




International
Labour
Organization

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ВА КАДРЛАРНИ АДОЛАТЛИ ТАНЛАШ МАВЗУСИДА МАТЕРИАЛ ТАЙЁРЛАШ:

ХМТнинг Ўзбекистондаги
журналистлар учун йўриқномаси



МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ВА КАДРЛАРНИ АДОЛАТЛИ ТАНЛАШ МАВЗУСИДА МАТЕРИАЛ ТАЙЁРЛАШ

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ЙЎРИҚНОМАСИ

Ушбу Йўриқнома ХМТ консультантлари Беруний Алимов
ва Чарлз Ауteman томонидан Ўзбекистон учун мослаштирилган

Муаллифлик ҳуқуқи © Халқаро меҳнат ташкилоти 2021
Дастлаб 2021 йилда чоп этилган



Бу Creative Commons Attribution 4.0 International License халқаро лицензияси остида тарқатиладиган очиқ нашр (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>). Фойдаланувчилар Лицензияда батафсил кўрсатилганидек, асл нашрни қайта ишлатиши, бўлиши, мослаштириши ва устида ишлаши мумкин. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) асл нашр эгаси сифатида аниқ эътироф этилиши керак. ХМТ рамздан фойдаланувчиларнинг иши билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Муаллифлик – Нашр қуйидагича ҳавола қилиниши керак: Чарлз Аутеман, Беруний Алимов, Джейн Коломбини, Лео Сиббел, Ҳамидулла Ҳамдамов. *Мажбурий меҳнат ва кадрларни адолатли танлаш мавзусида материал тайёрлаш: ХМТнинг Ўзбекистондаги журналистлар учун йўриқномаси*. Москва, Россия: Халқаро Меҳнат Ташкилоти, 2021.

Таржималар – Агар бу нашр таржима қилинган бўлса, муаллифлик билан бирга қуйидаги рад жавоби қўшилиши керак: *Бу таржима Халқаро меҳнат бюроси (ХМТ) томонидан қилинмаган ва ХМТнинг расмий таржимаси деб ҳисобланмаслиги керак. ХМТ ушбу таржиманинг мазмуни ва тўғрилиги учун жавобгар эмас.*

Мослаштиришлар – Агар бу нашр мослаштирилган бўлса, муаллифлик билан бирга қуйидаги рад жавоби қўшилиши керак: *Бу Халқаро меҳнат бюроси (ХМТ) томонидан тайёрланган асл нашрнинг мослаштирилмаси. Мослашувда билдирилган фикрлар ва фикрлар учун жавобгарлик фақат мослаштириш муаллифи ёки муаллифларига юклатилган ва ХМТ томонидан тасдиқланмаган.*

Ҳуқуқлар ва лицензиялаш бўйича барча сўровлар ХМТ нашриётига (ҳуқуқлар ва лицензиялаш), 4-1211 Женева 22, Швейцария ёки электрон почта орқали rights@ilo.org электрон манзилига юборилиши керак.

ISBN: 9789220357606 (босма шакл) ва 9789220357613 (интернет PDF шакл)

Ушбу нашр инглиз тилида ҳам мавжуд: *Reporting on forced labour and fair recruitment: An ILO toolkit for Journalists in Uzbekistan*.

ISBN 9789220357583 (босма шакл) ва 9789220357590 (web PDF), Москва, Россия, 2021.

Ушбу нашр, шу жумладан унинг инглиз тилидаги нусхаси қуйидаги манбалардан олинган, мослаштирилган ва қайта ишланган:

Журналистлар учун йўриқнома. Мажбурий меҳнат ва кадрларни адолатли танлаш мавзусида материал тайёрлаш. Женева (2019)

ISBN: 9789221330066 (босма шакл); 9789221330073 (интернет PDF шакл)

Мажбурий меҳнат ва кадрларни адолатли танлаш мавзусида материал тайёрлаш: ХМТнинг Вьетнамдаги журналистлар учун йўриқномаси (2020) ISBN: 9789220338414 (босма шакл); 9789220338421 (интернет PDF шакл)

ХМТ нашрларида ишлатиладиган ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг амалиётига мос келадиган белгилар, шунингдек ушбу нашрларда тақдим этиладиган материаллар Халқаро меҳнат бюроси томонидан бирон-бир мамлакат, туман ва ҳудуднинг ёки бирон-бир ҳукуматнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида ёхуд чегараларни делимитация қилиш борасида ҳеч қандай фикр билдирилишини аниқлатмайди.

Имзоланган мақолалар, тадқиқот ва бошқа материаллардаги фикрлар учун жавобгарлик уларнинг муаллифларигагина юкланади, уларнинг чоп этилиши эса ушбу фикрларнинг Халқаро меҳнат бюроси томонидан маъқулланишини аниқлатмайди.

Фирма ва тижорат маҳсулотлари ҳамда жараёнлари номларига ҳавола қилиш уларнинг Халқаро меҳнат бюроси томонидан тасдиқланганлигини аниқлатмайди, шунингдек, аксинча маълум бир фирма, тижорат маҳсулоти ва жараёнига ҳаволанинг мавжуд эмаслиги уларнинг маъқулланмаганлигини билдирмайди.

ХМТнинг нашрлари ва электрон материалларини www.ilo.org/publns веб-саҳифаси орқали топишингиз мумкин.

Йўриқномани мослаштириш ва инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш учун маблағ Америка Қўшма Штатлари Меҳнат Департаменти томонидан IL-27592-15-75-K--1-сонли кооператив битимига мувофиқ тақдим қилинган. Bridge лойиҳаси умумий қийматининг 100 фоизи федерал маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган, жами 17 395 138 АҚШ доллари миқдорида.

Ушбу материал Америка Қўшма Штатлари Меҳнат Департаментининг қарашлари ёки сиёсатини акс этирмайди, шунингдек савдо номлар, тижорат маҳсулотлар ёки ташкилотлар АҚШ ҳукумати томонидан тасдиқланмаган.

Россия, Москва шаҳрида чоп этилган.



ЭЪТИРОФ

Ушбу Йўриқнома Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) томонидан ишлаб чиқилган. ХМТ бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасаси бўлиб, 1919 йилдан бошлаб меҳнат стандартларини белгилаш, барча аёл ва эркаклар учун муносиб меҳнатни яратишга кўмаклашувчи сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш мақсадида 187 та давлатларнинг ҳукуматлари, иш берувчилари ва ходимларини бирлаштириб келади.

Кадрларни адолатли танлаш ташаббуси доирасида ушбу Йўриқнома Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг БИРГАЛИКДА кампаниясига ҳисса қўшишга ҳамда қочоқлар ва муҳожирларга нисбатан ҳурмат кўрсатиш, уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга кўмаклашишга қаратилган. Шунингдек, мазкур ҳужжат Барқарор Ривожланиш Мақсадларининг 8.7-мақсади, яъни бутун дунё бўйлаб мажбурий меҳнат, қулликнинг замонавий шакллари, одам савдоси ва болалар меҳнатиغا барҳам беришга эришишни кўзлаган глобал ҳамкорлик – 8.7 Альянсга ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилган.

Кўплаб ташкилотлар ва субъектлар, жумладан Халқаро Журналистлар Федерацияси (ХЖФ), ХМТнинг турли мамлакатлардаги офислари ходимлари ва кўплаб давлатлардаги журналистлар ушбу Йўриқноманинг яратилишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Мазкур Медиа йўриқноманинг асл кўриниши Чарлз Аутеман, Кевин Бёрден, Кассандре Гилборд Кир, Николас Каstellано, Лу Тессер, Джейн Коломбини, Мария Галотти, Мелани Белфиор ва Клара ван Пануйлар томонидан ХМТнинг бир нечта оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик дастурлари доирасида ва бошқа идоралар билан биргаликдаги фаолият давомида тўпланган билимлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ХЖФнинг бой тажрибасига таянади. Муаллифлар нашрнинг асл нусхасини таҳрир қилган Ёна Лэнд-Казлукасга ўз миннатдорчилигини билдирадilar.

ХМТнинг Ўзбекистондаги журналистлар учун Йўриқномаси ХМТнинг консультант-журналистлари Беруний Алимов ва Чарлз Аутеман, шунингдек, Лео Сиббел ва Ҳамидулла Ҳамдамов томонидан Ўзбекистон учун мослаштирилган.

Йўриқнома муаллифлари ва ушбу Йўриқномада кўрсатилган турли оммавий ахборот воситалари (ОАВ) материаллари бўйича мисоллар муаллифлари ушбу нашрда акс этган тегишли материал ва ҳар қандай фикрнинг мазмуни учун жавобгар ҳисобланадилар ва бу ХМТнинг расмий позициясини акс эттирмайди.

Мундарижа

КИРИШ	01
1-МОДУЛЬ. ҲИКОЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАГА ЭГА БЎЛИШ	03
1.1-БОБ. УМУМИЙ ТЕРМИНОЛОГИЯНИ ТУШУНИШ	03
1.2-БОБ. МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ	04
1.3-БОБ. КАДРЛАРНИ АДОЛАТЛИ ТАНЛАШ ОРҚАЛИ МУНОСИБ МЕҲНАТ ИМКОНИАТЛАРИНИ ЯРАТИШ	06
1.4-БОБ. ҚОНУНИЙ АСОСЛАР	08
2-МОДУЛЬ. ҲИКОЯНИ ИЗЛАБ ТОПИШ	18
2.1-БОБ. ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ	18
2.2-БОБ. ҲИКОЯНИ ИЗЛАБ ТОПИШ	19
2.3-БОБ. ЁРДАМ ОЛИШ	25
3-МОДУЛЬ. ҲИКОЯНИ ОЛИШ	27
3.1-БОБ. РЕСУРСЛАР	27
3.2-БОБ. ХАВФСИЗЛИК	28
3.3-БОБ. МАНБАЛАР	31
4-МОДУЛЬ. ҲИКОЯНИ АЙТИБ БЕРИШ	35
4.1-БОБ. ҚАЙСИ МЕТОД ОРҚАЛИ?	35
4.2-БОБ. ТУРКУМ МАТЕРИАЛЛАР ТАЙЁРЛАШ	37
4.3-БОБ. ТАЙЁРМИСИЗ?	39
5-МОДУЛЬ. КЕЙИНГИ БОСҚИЧЛАР	40
5.1-БОБ. ТАЪСИР, МУКОФОТЛАР ВА ИХТИСОСЛАШУВ	40
5.2-БОБ. ЯКУНИЙ МАСЛАҲАТЛАР	42

КИРИШ

НЕГА УШБУ ЙЎРИҚНОМАДАН ФОЙДАЛАНИШ МУҲИМ?

Ушбу Йўриқнома кадрларни адолатли танлаш ва мажбурий меҳнат ҳолатлари бўйича материал тайёрлашга ёрдам бериш мақсадида тайёрланган. Қўлланманинг мазмунини кўриб чиқиш учун сизга олдиндан бирон-бир махсус билимга эга бўлиш шарт эмас. Сиз ушбу материал билан ўзингизга қулай бўлган вақт ва муддат ичида танишиб чиқишингиз мумкин.

Биз сизга ушбу курсни мантикий кетма-кетликда кузатишни тавсия қиламиз, бироқ бу фақат тавсия, холос. Агар вақтингиз кам бўлса, сиз ўзингизга керакли маълумотни топиб олишингиз ва кейинчалик ўз билимингизни янада кенгайтириш мақсадида ушбу ҳужжатга яна қайтишингиз мумкин.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

“ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ҚАЕРДА ХЎРЛАНМАЙ ИШЛАЙДИ?”

Россияда ишлаш осонми ёки Туркиядами? Жанубий Корея ва Польшага ўхшаган давлатлардачи? Қайси мамлакатда Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқлари поймол қилинмай, аксинча уларнинг инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинади?

Матн билан <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-53057565> веб-саҳифасида танишишингиз мумкин.

Оддий инсон сифатида сиз бу ҳикоядан ғазабланишингиз, журналист сифатида эса сиз бу борада бирон нарса қилишга қодир бўлишингиз мумкин.

Журналистлар кўпчилик одамлар эга бўлмаган овозга эга. Улар суистеъмолчиликлар ва инсоннинг асосий ҳуқуқларини рад этиш, шунингдек ўқувчилар ва томошабинларни қонунбузилишлар тўғрисида огоҳлантириш қобилиятига эга. Журналистлар жамоа фикрини, ҳаттоки сиёсатни ўзгартириш имкониятига эга, бу ўз навбатида ишчилар ҳаётига таъсир ўтказиши мумкин. Бундан ташқари, журналистлар аниқ касбий мажбуриятларга эга, яъни улар вазиятни мураккаблаштиришнинг олдини олишлари керак. Кўпинча бундай ҳолатлар мухбирлар ва муҳаррирлар томонидан камситувчи сўзлар ишлатилганда ва шов-шувли сарлавҳалар қўйилганда содир бўлиши мумкин.

Мажбурий меҳнат ва кадрларни адолатли танлаш билан боғлиқ инсон ҳуқуқларига оид масалалар тўғрисида материал тайёрлаш бу шунчаки ҳар кунлик оддий янгиликлар тўғрисида ёзиш дегани эмас. Бу мазкур масалани ўрганиш учун қаттиқ меҳнатни ва ўз-ўзидан кўпроқ вақтни талаб қилади, чунки бунда сиз кўпроқ манбалар билан ишлайсиз, уларнинг айтганларини тарозига солиб, ушбу жараёнда уларни ҳақиқатга яқинлиги нуқтаи назардан баҳолайсиз. Мажбурий меҳнат ва кадрларни адолатли танлаш билан боғлиқ ҳикоялар “глокал” ҳисобланади, яъни улар локал таъсирга эга бўлиб, айни вақтда глобал оқибатларни келтириб чиқаради.

Масалан, кийим-кечак саноатида меҳнат қилишга мажбурланган ишчилар томонидан ишлаб чиқарилган кийим сизнинг айрим ўқувчиларингиз томонидан кийилаётган бўлиши мумкин. Шу сабабли, замонавий иқтисодий алоқаларни ва глобал ишлаб чиқариш механизмларини тушуниш асосида материал тайёрлаш муҳим саналади.

Қуйида мажбурий меҳнат ва кадрларни адолатли танлаш билан боғлиқ масалалар бўйича аниқ ва самарали материал тайёрлашда ёрдам берадиган маълумот ва тавсиялар келтирилган. Бунда материал тайёрлаш билан боғлиқ яхши мисоллар билан бир қаторда ушбу муаммоли масалаларни қамраб олиш бўйича тажрибага эга бўлган журналистлар томонидан берилган маслаҳатлар ҳам ўрин олган.

БИЗ ҲАҚИМИЗДА

Ушбу Йўриқнома Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) томонидан ишлаб чиқилган. ХМТ – бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасаси бўлиб, у 1919 йилдан бошлаб меҳнат стандартларини белгилаш, барча аёл ва эркеклар учун муносиб меҳнатни яратишга қўмаклашувчи сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш мақсадида 187 та давлатларнинг ҳукуматлари, иш берувчилари ва ходимларини бирлаштириб келади.

Кадрларни адолатли танлаш ташаббуси доирасида ушбу Йўриқнома Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг БИРГАЛИҚДА кампаниясига ҳисса қўшишга ҳамда қочоқлар ва муҳожирларга нисбатан ҳурмат кўрсатиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга қўмаклашишга қаратилган.

Шунингдек, мазкур ҳужжат Барқарор Ривожланиш Мақсадларининг 8.7-мақсади, яъни бутун дунё бўйлаб мажбурий меҳнат, қулликнинг замонавий шакллари, одам савдоси ва болалар меҳнатига барҳам беришга эришишни кўзлаган глобал ҳамкорлик – 8.7 Альянсга ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилган.

Қўплаб ташкилотлар ва субъектлар, жумладан Халқаро Журналистлар Федерацияси (ХЖФ), БМТнинг Цивилизациялар Альянси (БМТЦА) ҳамда дунёнинг қўплаб давлатлардаги журналистлар ушбу Йўриқноманинг яратилишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

ХМТ Ўзбекистон Ҳукумати ва ижтимоий шериклари билан 2013 йилдан буён болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат масалаларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Томонлар ХМТ томонидан 2013 йил сентябрь-октябрь ойларида пахта йиғим-терими пайтида мониторинг ўтказиш тўғрисида келишиб олдилар. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва ХМТ биргаликда ХМТнинг 105-сонли Конвенциясини қўллаш бўйича ҳамкорликни бошлаб юбордилар. Ундан кейин, яъни 2014 йилда миллий гуруҳлар томонидан болалар меҳнати мониторинги олиб борилди, шу орада ХМТ билан биргаликда мажбурий меҳнатга оид масалалар бўйича муҳокамалар давом этди. Иккала масала ҳам 2014 йил апрель ойида қабул қилинган Муносиб меҳнат бўйича давлат дастурида ўз аксини топган. Журналистларга мажбурий меҳнатга оид масалаларни эркин ёритиш имконини бериш мақсадида ХМТ томонидан Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси маркази билан биргаликда маҳаллий журналистларни ўқитиш, пресс-конференциялар ва мукофот билан тақдирлаш маросимларини ташкил этиш каби тадбирлар ўтказилди. 2018 йилда 250 нафар журналистларнинг малакасини оширишга эришилди.

1-МОДУЛЬ

ҲИКОЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАГА ЭГА БЎЛИШ



1.1-БОБ. УМУМИЙ ТЕРМИНОЛОГИЯНИ ТУШУНИШ

Мажбурий меҳнат ва кадрларни адолатли танлашга оид ҳикояларни гапираётган вақтда шуни билиш керакки, айрим сўзлар ҳуқуқий тушунчага эга бўлса, айримлари бундай тушунчага эга эмас. Ушбу тушунчаларни ва уларнинг таърифини билиш ҳар қандай ҳисоботни беришдан олдин бажарилиши керак бўлган тайёргарлик кўриш босқичининг бир қисмидир. Агар сиз ишлатадиган сўзларнинг маъносини тушунмасангиз, сизнинг аниқ материал тайёрлаш ва маълумот олинган манбалар бўйича баҳс-мунозарага киришиш қобилиятингиз заифлашади.

Луғатлар, глоссарийлар ва мультимедиа бўйича услубий йўриқномалар экспертлик билимларни олиш ва медиа маҳсулотлар сифатини оширишга асосий манба ҳисобланади. ХМТ Миграция давомида кадрларни адолатли танлаш ва мажбурий меҳнат бўйича ОАВ учун қулай бўлган Глоссарийни ишлаб чиққан¹.

1. Инглиз тилида (<https://readymag.com/ITCILO/1720704/>).

1.2-БОБ. МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ

Мажбурий меҳнат турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Жабрланганлар одатда кам маош тўланадиган ёки бундай маош умуман тўланмайдиган ишларга алдов йўли билан жалб қилинадилар, кейин эса сунъий равишда қарздор бўлиб қолганликлари ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари олиб қўйилганлиги сабабли ушбу ишни тарк эта олмайдилар. Қашшоқлик, саводсизлик, дискриминация ва миграция ишчиларни мажбурий меҳнат олдида кўпроқ ҳимоясиз қиладиган омиллардан саналади.

А. МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ НИМА?

“Мажбурий меҳнат” тушунчаси одамларни меҳнатга мажбурлашнинг кенг миқёсдаги амалиётини қамраб олади. Мажбурий меҳнатга жалб қилинган одамлар ишни бошлашга ўзларининг эркин ва онгли равишда розилиklarини бермаганлар ва/ёки улар ишларини қолдириб кетишда эркин эмаслар². Одам савдоси, қарздорлик қуллиги, бир жойга боғлаб қўйилган меҳнат, қул меҳнати ва замонавий қуллик янгиликлар ва оммавий ахборот воситаларида меҳнатни эксплуатация қилишни ифодаладиган терминлардир. Бугунги кунда мажбурий меҳнатдан жабрланганлар сони дунё бўйлаб 24,9 миллионни ташкил этиши тахмин қилинмоқда. Мажбурий меҳнат деярли ҳамма жойда бўлиши мумкин, хоҳ бу Осиё ва Тинч океани, Европа, Марказий Осиё, Африка ва Араб давлатлари бўлсин, хоҳ Америка бўлсин.

Б. ОДАМЛАР ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТУЗОҚҚА ТУШИШАДИ?

Айрим ишчилар дискриминацияга дуч келганлиги (масалан, озчиликни ташкил этувчи аҳоли қатлами) ёки яқкаланганлиги (масалан, меҳнат муҳожирлари) сабабли уларнинг мажбурий меҳнатга тушиб қолиш хавфи юқори ҳисобланади. Агар иш назардан четда, ёпиқ эшиклар ортида (масалан, уй ишчилари билан боғлиқ ҳолатларда) бажарилган бўлса, бундай ҳолатда тегишли шахслар томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилиш хавфи юқори бўлади.

В. ҚАНДАЙ ТУРДАГИ ИШЛАР ВА ҚАЙСИ СЕКТОР?

Мажбурий меҳнат меҳнат бозорининг ҳар қандай фаолиятида, расмий ёки норасмий секторда учраши мумкин, гарчи баъзи кам ҳақ тўланадиган иш ўринлари суистеъмолчилик ва эксплуатацияга кўпроқ мойил бўлса ҳам.

Г. ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ АМАЛИЁТЛАРИ

Одатда меҳнат фаолияти давомида мажбурлаш унча кўзга кўринмайдиган шаклда бўлади, шу сабабли уни аниқлаш қийин ҳисобланади. Мажбурий меҳнат ҳақида гапирганда ишга алдов, шу жумладан ёлғон ваъдалар бериш орқали ёллаш жуда кенг тарқалган. Хусусий ишга ёлловчилар ёки норасмий воситачилар меҳнат муҳожирлари учун бандликка оид ягона ахборот манбаи бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида ушбу одамларга ишнинг табиати ва шароитлари тўғрисида ёлғон маълумотларни беришни осонлаштиради.

Д. ЖАЗОГА ТОРТИЛМАСЛИК МУҲИТИ ВА ФОЙДАЛАР

Қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ҳар доим ҳам самарали тергов ҳаракатлари ўтказилмаслиги ва айбдор шахслар жазоланмаслиги оқибатида юзага келган жазога тортилмаслик муҳити виждонсиз ишга ёлловчилар ва иш берувчиларга ноқонуний равишда катта даромад олишга шароит яратади. Бундай ҳолда жабрланувчилар ва уларнинг оилалари даромаддан маҳрум бўладилар ва оқибатда қашшоқликдан чиқа олмайдилар. Бу, шунингдек, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қиладиган компаниялар учун носоғлом рақобат муҳитини ва бутун саноатнинг обрўсига путур етказиш хавфини келтириб чиқаради.

² ХМТнинг мажбурий меҳнат кўрсаткичлари. Инглиз тилида (https://www.ilo.org/global/topics/forced-labour/publications/WCMS_203832/lang-en/index.htm).

Шу сабабли, бундай муҳитда юзага келадиган муаммоларни бартараф этишга барча манфаатдор томонлар, хусусан ишга ёлловчилар, иш берувчилар ва ушбу соҳани тартибга солувчилар ўз ҳиссаларини қўшишлари, ўз вазифаларига масъулият билан ёндашиш ва қонунга тўлиқ риоя қилинишини таъминлашлари лозим.

Ўзбекистон Ҳукумати мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича қатъий сиёсий иродани намоён этди. Президент, Сенат Раиси, Бош вазир, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ва бошқа вазирларнинг бу борадаги изчил баёлотлари Ҳукуматнинг сиёсати мамлакатда мажбурий меҳнатнинг барча турларини йўқ қилишга қаратилганлигини таъкидлайди. Мамлакат 2020 йил пахта йиғим-терими пайтида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши курашни жадаллаштиришга муваффақ бўлди, ХМТнинг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботига кўра:*

- Ўзбекистонда ҳар йили пахта йиғим-теримига қарийб икки миллион одам жалб қилинади.
- Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ҳар саккиз кишидан бири пахта йиғим-теримида иштирок этди. Бу дунёдаги энг йирик ишга олиш кампанияси сифатида эътироф этилди. Теримчиларнинг олтмиш беш фоизини аёллар ташкил этди, уларнинг аксарияти қишлоқ ҳудудида яшовчилардир.
- Мамлакат пахта далаларида асосий инсон ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича сезиларли натижаларга эришмоқда. 2020 йил пахта ҳосили давомида
- 96 фоиздан ортиқ ишчилар эркин ишладилар ҳамда талабалар, ўқитувчилар, шифокорлар ва ҳамшираларни ушбу ишга тизимли равишда жалб қилиш бутунлай тугатилди.
- 2020 йилда пахта теришга мажбурланган теримчиларнинг улуши 2019 йилга нисбатан 33 фоизга кам бўлди. Шундай бўлсада, пахта йиғим-теримида ишлашни рад этганларни имтиёзлар ёки ҳуқуқлардан маҳрум қилиш билан қўрқитишга оид айрим ҳолатлар маҳаллий даражада ҳамон кузатилди.
- Ўзбекистон пахта саноатида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан тизимли равишда фойдаланишга барҳам берилди, лекин бундай амалиётнинг баъзи элементлари маҳаллий даражада ҳамон сақланиб қолмоқда. Болалар меҳнатидан тизимли равишда фойдаланишга чек қўйилди ва бугунги кунда болалар меҳнати асосий муаммолар қаторидан чиқиб кетди.

* “Ўзбекистонда пахта йиғим-терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг 2020 йилдаги учинчи томон мониторинги” деб номланган ҳисоботи 1.8 миллион нафар пахта йиғим-теримида иштирок этганлар орасида олдиндан огоҳлантирилмаган ва эълон қилинмаган 9 000 дан ортиқ суҳбатлар натижасига асосланган. Ушбу ҳисобот Жаҳон банки томонидан Европа Иттифоқи, АҚШ, Швейцария ва Германия ривожланиш агентлиги (GIZ) билан биргаликда ташкил этилган кўп донорлик траст жамғармаси томонидан молиялаштирилаётган ХМТнинг Учинчи Томон Лойиҳаси Мониторинги томонидан тайёрланган (https://www.ilo.org/washington/news/WCMS_767753/lang-en/index.htm).

Е. МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ХАВФИ

Меҳнат муҳожирлари мажбурий меҳнат шароитига тушиб қолиш хавфи мавжуд бўлган энг заиф одамлар гуруҳини ташкил этади. Мажбурий меҳнатдан жабрланганларнинг тахминан 44 фоизи ўз мамлакатидея ёки бошқа давлатларда бўлган меҳнат муҳожирлари ҳисобланади. Ўз ватанини тарк этиб, иш излаб бошқа давлатларга борган ишчилар эксплуатация қилиниши хавфи олдида жуда заиф бўладилар, айниқса улар тегишли давлат тилини билмасалар бундай хавф янада ортади.

- Қарздорлик қуллиги.

Қарздорлик қуллиги ишчиларни тузоққа тушириш учун ишлатиладиган мажбурлашнинг энг кенг тарқалган шаклидир. У хусусий сектордаги мажбурий меҳнатдан жабрланганларнинг 51 фоизини қамраб олади. Харажатлар, масалан йўл харажатлари учун кредитнинг олинishi ишчини дарҳол иш берувчи олдида қарздор қилиб қўяди. Кейинчалик ушбу қарздорлик орқали фоиз ставкаларини “ошириш” ёки яширин тўловларни кўтариш орқали манипуляция қилиш мумкин.

- Паспортларнинг олиб қўйилиши.

Паспортлар ва шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни олиб қўйиш – мажбурлашнинг энг кенг тарқалган турларидан бири бўлиб, у орқали меҳнат муҳожирининг эркин ҳаракатланиши чекланади, ёрдам сўрашига тўсқинлик қилади ва уларни мажбурий меҳнатда сақлаб туришга хизмат қилади. Бу мажбурий меҳнатга оид 11 та индикаторлардан бири саналади. Кўпгина мамлакатларда у ҳаттоки маълум бир тоифадаги ишчилар учун одатий ҳолдир, масалан, иш берувчиларнинг уйида яшовчи уй ишчилари учун.

- Иш ҳақини ушлаб қолиш.

Иш ҳақи уй-жой ёки асбоб-ускуналар харажатларини қоплаш мақсадида ушлаб қолиниши мумкин. Бу шундай шароитни юзага келтириши мумкинки, унда ишчи озиқ-овқат ва бошпана нуқтаи назаридан иш берувчига “боғланган” бўлади.

Ж. МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИ ТУГАТИШ

Мажбурий меҳнат – инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши саналади ва халқаро ҳуқуқда жиноят ҳисобланади. Бундай жиноятларга қарши уларга мос ва ҳуқуқбузарлар томонидан бу каби жиноятларни содир этишдан тийилишга мажбур қилувчи жазо чоралари қўлланилиши керак. Гарчи аксарият мамлакатлар ўз миллий қонунчилигида мажбурий меҳнат, одам савдоси ва/ёки қулликка ўхшаш амалиётларни тақиқлаган бўлсада, ҳуқуқбузарларни қонун доирасида самарали таъқиб қилиш ҳоллари ҳамон камлигича қолмоқда.

3. ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МУҲИМЛИГИ

Меҳнат бозорлари барбод бўлганда ва ишчилар ҳимоясиз қолганда, уларнинг энг заиф қатлами эксплуатация қилиниш хавфи остида бўлади. ХМТ муносиб меҳнатни рағбатлантиришга интилиб, мажбурий меҳнатга қарши курашишга қаратилган бир қанча халқаро стандартларни ишлаб чиққан. Уларнинг айримлари мажбурий меҳнатни умумий маънода кўриб чиқса, бошқалари болалар меҳнати ёки уй меҳнатига ўхшаш аниқ масалаларга эътибор қаратади.

Мажбурий меҳнатга қарши курашиш меҳнат бозорларининг ҳам халқаро ҳам миллий даражада самарали тартибга солинишини ва меҳнат қонунчилигининг тўғри ижро этилишини тақозо этади.

1.3-БОБ. КАДРЛАРНИ АДОЛАТЛИ ТАНЛАШ ОРҚАЛИ МУНОСИБ МЕҲНАТ ИМКОНияТЛАРИНИ ЯРАТИШ

Бугунги кунда иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида миллионлаб одамлар ўз яшаш ҳудуди ёки мамлакатидан ташқари жойларда ишга жойлашиш имкониятини қидирмоқдалар ҳамда глобал таъминот занжири бўйлаб ишчиларни ёллаш ва ишга жойлаштириш тобора одатий ҳолга айланиб бормоқда. Бугунги миграция кўпроқ иш дунёси билан боғлиқ бўлиб қолган. Бундан ташқари, миллионлаб ишчилар муносиб меҳнатни излаб топиш мақсадида ўз мамлакатлари ичида ҳаракатланадилар. Ишга қабул қилиш жараёни адолатли ва ҳамма учун муносиб иш имкониятларини таъминлашнинг асосий жиҳати эканлигига ишонч ҳосил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

А. АДОЛАТЛИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДЕГАНДА НИМА ТУШУНИЛАДИ?

Адолатли ишга қабул қилиш – бу халқаро ҳуқуқда белгиланмаган, бироқ халқаро мунозаралар ва ХМТ ишида марказий ўринни эгаллаган тушунча саналади. Адолатли ишга қабул қилиш ташаббуси – бу ХМТнинг глобал ташаббуси бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад ишга ёллаш амалиётини яхшилаш саналади. У тўрт томонлама ёндашувга асосланади: миллий ва халқаро даражада ишга қабул қилиш амалиёти бўйича глобал билимларни яхшилаш (1), қонунлар, сиёсатлар ва қонун ижросини яхшилаш (2), адолатли ишбилармонлик амалиётини илгари суриш (3), ишчиларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ва уларни ҳимоя қилиш (4).

Адолатли ишга қабул қилиш концепцияси ХМТнинг Адолатли ишга қабул қилиш бўйича умумий принциплар ва операцион кўрсатмаларида қамраб олинган бўлиб³, уларда ишга қабул қилишнинг бир қатор жиҳатлари, хусусан қуйидагилар кўриб чиқилган:

- Бўш иш ўринлари тўғрисида маълумот.

Адолатли ишга қабул қилиш – ишга қабул қилиш жараёнининг илк босқичида, яъни бўш иш ўринлари тўғрисида маълумот берилган вақтдан бошланади. Алдаш, масалан газетанинг тегишли бўлимида ёлғон ваъдаларни эълон қилиш билан боғлиқ адолатсиз ҳаракатлар айнан шу пайтдан бошлаб содир бўлиши мумкин. Ҳукуматлар бундай ёлғонларни рад этиш мақсадида пресс-релизлар чиқариши ёки тегишли мазмундаги рекламаларни эълон қилишлари мумкин.

- Ишга тўғридан-тўғри ёлланишми ёки агентлар орқалими?

Ишга ёлланиш жараёни мураккаб бўлиб, турли хил хусусий ва давлат сектори субъектларини жалб қилиши мумкин. Иш берувчи ва ишчи ўртасида воситачилар қанчалик кўп бўлса, этика қоидаларига тўғри келмайдиган амалиётнинг юзага келиш хавфи ҳам шунча юқори бўлади. Ишчилар дуч келадиган умумий муаммолардан бири – бу ишга ёлланиш билан боғлиқ тўлов ва харажатларнинг бевосита ёки билвосита амалга оширилиши ҳисобланади.

ХМТнинг Адолатли ишга қабул қилиш бўйича умумий принциплар ва операцион кўрсатмаларида ишчилар ишга ёлланиш билан боғлиқ тўлов ва шунга оид харажатларни тўламасликлари белгиланган, шундай бўлсада кўпгина давлатларда бундай харажатлар қонун доирасида тўлиқ ёки қисман ходимлардан ундириб келинмоқда. Бундан ташқари, ишчилар тўлайдиган харажатларнинг тўлиқ спектрини тушуниши керак. Буларга бандлик агентлиги томонидан ишчини иш берувчига боғлаганлиги эвазига одатда олинадиган “ишга жойлаштиришга оид тўловлар” киради, шунингдек, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, саёҳат ҳужжатлари, тиббий кўриклар ва жўнаш олдидан тайёргарлик каби ишга жойлаштиришга алоқадор харажатлар ҳам кириши мумкин.

- Ишнинг мос келиши.

Ишга қабул қилиш жараёни ишчиларга уларнинг малакаси, қобилияти ва интилишларига мос келадиган иш жойлари таклиф қилинишини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Б. ИШГА ЁЛЛАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТЎЛОВЛАР ВА УНГА ОИД ХАРАЖАТЛАРНИНГ ИШЧИЛАР ТОМОНИДАН ТЎЛАНИШИГА БАРҲАМ БЕРИШ

Ишга ёлланиш жараёни одатда катта миқдордаги тўловларни ундирадиган учинчи томон воситачилигини назарда тутаяди, бу эса меҳнат муҳожирларига кам ҳақ тўланадиган ишларда ишлаш мажбуриятини юклайди. ХМТ-Жаҳон банки томонидан ўтказилган сўров натижалари⁴ шуни кўрсатадики, кам даромадли муҳожирлар – энг кам малакали ёки паст маълумотли бўладими – улар ўз даромадларига нисбатан номутаносиб бўлган катта харажатларни тўламоқдалар.

3. ХМТ, 2019. ХМТнинг Адолатли ишга қабул қилиш бўйича умумий принциплар ва операцион кўрсатмалари, Ишга ёлланиш билан боғлиқ тўловлар ва шунга оид бошқа харажатлар тушунчаси.

4. Жаҳон Банки, 2017. KNOMAD-ХМТ Миграция харажатлари бўйича сўровлар.

Хусусан, Ўзбекистонда турли оммавий ахборот воситаларида айрим ўзбек меҳнат муҳожирлари томонидан ҳаддан ташқари катта миқдордаги ишга ёлланиш билан боғлиқ тўловлар ва шунга оид бошқа харажатларнинг тўланганлигини ёритувчи мақолалар ҳам эълон қилинган эди. Бу эса меҳнат муҳожирларининг қарздорлик қуллигига тушиб қолиш хавфининг ошишига ва суистеъмолчиликларга олиб келиши мумкин бўлиб, ушбу ҳолат турли жинойат қонунчилиги доирасида одам савдоси ёки мажбурий меҳнатга тенглаштирилади. ХМТнинг Адолатли ишга қабул қилиш бўйича умумий принциплар ва операцион кўрсатмаларида, шунингдек Ишга ёлланиш билан боғлиқ тўловлар ва шунга оид бошқа харажатлар тушунчалари берилган ҳужжатда ушбу тўлов ва харажатларнинг ишчилар эмас, балки иш берувчилар томонидан қопланиши зарурлиги аниқ ва равшан белгиланган.

В. УШБУ ҲИКОЯДА ЯНА КИМ РОЛЬ ҲИНАШИ МУМКИН?

Адолатли ишга ёлланишни рағбатлантириш ва унинг самарали амалга оширилишини таъминлашда кўплаб субъектларнинг ўрни бор. Ҳукуматлар адолатли ишга ёлланишни ривожлантириш учун асосий масъулиятни ўз зиммаларига оладилар ҳамда бу борада халқаро стандартларга жавоб берадиган қонун ва сиёсатни қабул қилиш ҳамда ижрога қаратишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ташкилотлар, шу жумладан ишга ёлловчилар, давлат бандлик хизматлари, хусусий ва давлат корхоналари, шунингдек касаба уюмлари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари – буларнинг бари адолатли ишга ёлланишни рағбатлантиришда аҳамиятга эга. Ниҳоят оммавий ахборот воситалари ҳам бу борада муҳим роль ўйнайди, улар ишчиларнинг иш шароитлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эканликларини ўрганади ва бунга ишонч ҳосил қилади ҳамда ўз мансаб ваколатини сиистеъмол қилганлик ҳолатларини ошкора намоён этади.

Г. АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛУВЧИ ИШГА ЁЛЛОВЧИЛАР

Баъзи хусусий ишга ёллаш компаниялари/агентликлари “ахлоқ қоидаларига риоя қилувчи компаниялар” қаторидан жой олишга қарор қилган. Улар томонидан иш берувчилар ва ишчиларга таклиф қиладиган шарт-шароитлар шаффоф ҳамда адолатли ишга ёллашга оид кўрсатмаларга тўлиқ мос келади. Шунингдек, уларнинг тажрибаси ишга қабул қилишда қонунга ва ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш амалиёти ҳақиқатан ишлаётганини кўрсатишда муҳим саналади.

1.4-БОБ. ҚОНУНИЙ АСОСЛАР

Мажбурий меҳнатга қарши курашиш ва адолатли ишга ёллаш тўғрисидаги қонунчилик ҳам халқаро ва ҳам миллий даражада қабул қилинган. Халқаро даражада вақт ўтган сари бу борада бир неча ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур ҳужжатларнинг баъзилари уларни ратификация қилган давлатлар учун мажбурийдир (конвенция ва протоколлар), айримлари эса миллий қонунчилик асосларини мустаҳкамлашга қаратилган мажбурий бўлмаган тусдаги ҳужжатлар ҳисобланади (тавсиялар). Бундан ташқари, мажбурий меҳнатнинг барча кўринишларига барҳам бериш ХМТнинг меҳнат соҳасидаги фундаментал ҳамда асосий тамойил ва ҳуқуқларидан биридир. Бу дегани, ХМТга аъзо барча давлатлар томонидан мажбурий меҳнатга алоқадор ҳужжатлар, улар ратификация қилинган-қилинмагандан қатъий назар, ҳурмат қилиниши, ўз мамлакати доирасида қўлланилиши ва уларга риоя қилинишини таъминлашга оид чоралар кўрилиши шарт.

А. ТАНЛАБ ОЛИНГАН ТЕГИШЛИ ХАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИК

Куйидаги жадвалда одам савдоси, мажбурий меҳнат ва у билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга тааллуқли халқаро ҳуқуқий стандартларнинг тўлиқ рўйхати бўлмасада, унда танлаб олинган халқаро ҳуқуқнинг тегишли ҳужжатлари келтирилган:

1930

Мажбурий меҳнат тўғрисида конвенция, 1930 йил, (29-сон) – 1992 йил 13 июлдан буён амалда. Ўзбекистон томонидан 1997 йилда ратификация қилинган⁵. 29-сон Конвенция мажбурий меҳнатни қуйидагича таърифлайди: "...ихтиёрий равишда ўз хизматларини таклиф этмаган ҳар қандай шахсдан ҳар қандай жазолаш таҳдиди остида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизмат". Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси зўраки ёки мажбурий меҳнатни қўллашнинг барча шаклларини имкон қадар қисқа муддатда бекор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади (1-модданинг 1-банди). Бу ҳужжат ушбу масала бўйича илк Конвенция бўлганлиги сабабли, унда биринчи марта "мажбурий ёки зўраки меҳнат" тушунчаси ёритилган (2-модданинг 1-банди) ва мажбурий меҳнат ҳисобланмайдиган 5 та ҳолат истисно тариқасида келтирилган. Конвенция, шунингдек, уни ратификация қиладиган аъзо-давлатлардан мажбурий меҳнатни жиноий жазоланадиган қилмиш сифатида эътироф этишни ҳамда жазо чоралари ҳуқуқбузарликнинг оғирлик даражасига мос келиши ва сўзсиз қўлланилишини талаб қилади (25-модда).

1948

Бандлик хизматларини ташкил этиш тўғрисида Конвенция, 1948 йил, (88-сон) – Ўзбекистон томонидан ратификация қилинмаган. Ушбу Конвенция давлат бандлик хизматларининг вазибаларини белгилайди. Конвенция уни ратификация қилган аъзо-давлатлардан ишчилар учун давлат бандлик хизматларининг эркин кўрсатилишини талаб қилади (1-модда). Шунингдек, Конвенцияни ратификация қилувчи давлатлар иш берувчилар ва ходимлар ташкилотлари вакилларида иборат таркибда маслаҳат кўмиталарини тузишлари талаб қилинади. Бундай кўмиталарнинг асосий вазибалари давлат бандлик хизматларининг ташкил этилиши ва фаолият юритиши ҳамда бандлик хизматига оид сиёсатнинг ривожланиши бўйича маслаҳат бериш саналади (4-модданинг 1-банди). Давлат бандлик хизматлари ишчиларнинг касбий салоҳиятини баҳолаши, уларга профессионал тайёргарликдан ўтишга кўмаклашиши, шунингдек тегишли малакага эга ходимлар билан биргаликда уларга тўғри келадиган бўш иш ўринларини танлаши керак (6-модданинг а-банди).

1949

Ишчи-муҳожирлар тўғрисида конвенция (қайта кўриб чиқилган), 1949 йил, (97-сон) – Ўзбекистон томонидан ратификация қилинмаган. Конвенция уни ратификация қилувчи давлатлардан меҳнат муҳожирлари учун бепул ёрдам ва ахборот хизматини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда эмиграция ва иммиграция билан боғлиқ нотўғри тушунтиришларга қарши чоралар кўриш орқали ишга жойлашиш учун халқаро миграцияни осонлаштиришни талаб қилади; меҳнат муҳожирларига зарур тиббий хизматларни кўрсатиш ҳамда даромад ва жамғармаларини ўтказиш билан боғлиқ қоидаларни ўз ичига олади. Давлатлар бир қатор масалаларда меҳнат муҳожирларига ўз фуқароларидан кам бўлмаган шароитларни яратишлари керак, булар жумласига, хусусан, бандлик шартлари, уюшиш эркинлиги ва ижтимоий кафолатлар кирди.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори, № 492-І, 30.08.1997.

1957

Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида конвенция, 1957 йил, (105-сон) – 1997 йил 15 декабрдан буён амалда. Ўзбекистон томонидан 2020 йилда ратификация қилинган⁶. 105-сонли Конвенция давлат ташкилотлари томонидан бешта ҳолатда қўлланиладиган мажбурий меҳнатни тақиқлайди, буларга сиёсий қарашларни ифода этганда жазо тариқасида, иқтисодий ривожланиш мақсадида, иш ташлашларда иштирок этганлик учун, ирқий ёки бошқача шаклда камситиш воситаси сифатида ёки меҳнат интизоми тариқасида қўлланиладиган мажбурий меҳнатлар киради.

1958

Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисида Конвенция, 1958 йил, (111-сон) – 1992 йил 13 июлдан буён амалда. Ўзбекистон томонидан 1997 йилда ратификация қилинган⁷. ХМТ Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги конвенцияни қабул қилган бўлиб, ушбу ҳужжат Меҳнат соҳасидаги асосий принциплар ва ҳуқуқларга оид Декларациянинг бир қисми ҳисобланади (МСАПҲ Декларацияси 1998 йилда қабул қилинган ва 2010 йилда қайта кўриб чиқилган). Ушбу Конвенция давлатлардан бандлик масалаларида ҳар қандай асослар, шу жумладан ирқи, ранги, жинси, дини, сиёсий қараши, миллий ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар камситишларни тақиқловчи қонунларни қабул қилишни, шунингдек, тенг имкониятларга асосланмаган қонунларни бекор қилишни талаб қилади.

1975

Меҳнат муҳожирлари тўғрисида конвенция (қўшимча қоидалар), 1975 йил, (143-сон) – Ўзбекистон томонидан ратификация қилинмаган. Конвенция яширин ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш чораларини назарда тутаяди, шу билан бирга, барча меҳнат муҳожирларининг асосий инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш мажбуриятини юклайди. Бу, шунингдек, 1949 йилги Конвенция қоидалари билан қамраб олинмаган масалаларни ўзида акс эттирган бўлиб, улар қонуний яшаётган меҳнат муҳожирлари ва миллий ишчилар ўртасида тенглик доирасини кенгайтиришни, яъни бандлик ва касбни эгаллаш, ижтимоий таъминот, касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи ва маданий ҳуқуқларни, шунингдек, Конвенцияни ратификация қилган давлат ҳудудида қонуний асосда яшаётган меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари учун индивидуал ва жамоавий эркинликлар бўйича имкониятлар ва муносабатлардаги тенгликни назарда тутаяди. Конвенция уни ратификация қилган давлатларни ўз ҳудудида қонуний яшаётган меҳнат муҳожирларининг оилаларини бирлаштиришга кўмаклашишга чақиради.

1990

Меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида конвенция, 1990 йил – Ўзбекистон томонидан ратификация қилинмаган. 2003 йилдан амалда бўлган ушбу Конвенция давлатларга меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзоларини уларнинг жинси, ирқи, ранги, тили, дини ва этниқоли, сиёсий ва ўзга қарашлари, миллий, этник ва ижтимоий келиб чиқиши, миллати, ёши, иқтисодий аҳволи, мулки, оилавий ҳолати, туғилиши ёки бошқа ҳолати ҳамда миграция босқичидан қатъий назар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбуриятини юклайди. 11-моддага мувофиқ, ҳеч бир меҳнат муҳожирлари ёки уларнинг оила аъзоси мажбурий меҳнатга жалб қилиниши ёки қуллик ёхуд ёпиқ жойда мажбурий сақланиши мумкин эмас.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори, № 498-1, 30.08.1997.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори, № 498-1, 30.08.1997.

1997

Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида конвенция, 1997 йил (181-сон) – Ўзбекистон томонидан ратификация қилинмаган. 1997 йилда қабул қилинган, ушбу Конвенция “яхши ишлайдиган меҳнат бозорида хусусий бандлик агентликлари қандай роль ўйнаши мумкинлигини” эътироф этади. Ушбу Конвенциядан кўзланган асосий мақсад хусусий бандлик агентликлари фаолият юритишига шароит яратиш билан бир қаторда, уларнинг хизматларидан фойдаланадиган ишчиларни ҳимоя қилиш ҳисобланади. Конвенциянинг 7-моддасига мувофиқ, хусусий бандлик агентликлари ишчилардан у ёки бу тўлов ёхуд харажатларни бевосита ёки билвосита, тўлиқ ёки қисман қоплашни талаб қилишлари мумкин эмас.

1998

Меҳнат соҳасидаги асосий принциплар ва ҳуқуқлар Декларацияси, 1998 йил. ХМТга аъзо барча давлатлар томонидан 1998 йилда қабул қилинган бўлиб, Декларация барча аъзо давлатлар, улар тегишли Конвенцияларни ратификация қилган-қилмаганлигидан қатъий назар, “ҳурмат қилиши, тарғиб қилиши ва амалга ошириши” мажбурий бўлган тўртта асосий меҳнат стандартларини белгилаб берган. Улар қуйидагилардир: уюштиш эркинлиги ва жамоавий муҳокамаларда иштирок этиш ҳуқуқи, шунингдек, мажбурий меҳнат, болалар меҳнати ва дискриминацияга барҳам бериш.

1999

Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида конвенция, 1999 йил (182-сон) – 2008 йил 24 июндан буён амалда. Ўзбекистон томонидан 2008 йилда ратификация қилинган⁸. 1999 йилда қабул қилинган ушбу Конвенция болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш ва уларга барҳам беришга чақиради. Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари қулликнинг барча турларини, шу жумладан контрабанда ва болалар савдосини; қарзни тўлаш учун мажбурий меҳнат шароитига солишни; мажбурий меҳнатнинг бошқа турларини, шу жумладан болалардан уруш ва қуроли моҳароларда фойдаланишни назарда тутди. Шу билан биргаликда, болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари болаларни жинсий эксплуатация қилиш, уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ва руҳиятига зарар келтириши мумкин бўлган ноқонуний фаолият ва ишларга жалб қилиш киради.

2000

Одам, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, унга барҳам бериш ва жазолаш тўғрисида протокол, 2000 йил – Ўзбекистон томонидан ратификация қилинмаган. Палермо протоколи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2000 йилдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдириш учун қабул қилинган учта протоколдан биридир (Палермо протоколи). Протоколнинг 3-моддаси одам савдоси тушунчасини 3 та зарур компонентдан иборат бўлишини белгилаб берган бўлиб, булар ҳаракат, восита ва мақсад. Палермо протоколи болаларни алоҳида ҳолат сифатида кўриб чиқади ва уларнинг иштирокидаги одам савдоси тушунчасини белгилашда фақатгина иккита компонент – ҳаракат ва мақсаднинг етарли эканлигини қайд этади.

2008

Аёл меҳнат муҳожирларига оид 26-сонли умумий тавсиялар, 2008 йил. Ушбу Умумий тавсиялар Аёлларга қарши барча шакллардаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ аёллар, уларнинг инсон ҳуқуқлари бузилиши ва бунинг оқибатида юзага келадиган уларнинг ўзига хос заифлиги ҳамда аёлларнинг жинсига асосланган дискриминация ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиққан.

8. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, № 144, 08.04.2008.

2011

Уй ишчиларининг муносиб меҳнати тўғрисида конвенция, 2011 йил (189-сон) – Ўзбекистон томонидан ратификация қилинмаган. 2011 йилда қабул қилинган ушбу Конвенцияда уй ишчиларининг муносиб меҳнатига алоҳида эътибор қаратилган. 8- ва 15-моддаларда уй ишчиларини ёллашда хусусий бандлик агентликлари, гонорар ва репатриацияга оид муҳим қоидаларга алоҳида эътибор берилган.

9-моддага мувофиқ, уй ишчилари:

а) ўз иш берувчиси ёки потенциал иш берувчиси билан уйда яшаш масаласи бўйича эркин келишувга эришиш ҳуқуқига эга;

б) иш берувчининг уйда яшайдиганлар кунлик ва ҳафталик дам олиш ёки йиллик меҳнат таътили пайтида ушбу уйда ёки уй аъзолари билан биргаликда қолишга мажбур эмас;

в) шунингдек, саёҳат ва шахсига оид ҳужжатларни ўзларида сақлаш ҳуқуқига эга.

2014

Мажбурий меҳнатга қарши курашишга оид тавсия (Қўшимча чоралар), 2014 йил, (203-сон). 203-сонли Тавсия Баённома ва 29-сонли Конвенцияни тўлдирар экан, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, бундай меҳнат қурбонларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга адолат ва ҳимоя воситаларидан фойдаланишга имкон яратиш, қонунларни ижро этиш ва халқаро ҳамкорлик масалалари ҳамда мажбурий меҳнат бўйича миллий қонун ва сиёсатни кучайтириш мақсадида мажбурий бўлмаган амалий кўрсатмаларни ўзида ифода этади. Мазкур Тавсия Баённоманинг қоидаларига асосланган бўлиб, у билан биргаликда ўқилиши лозим.

1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенцияга Баённома (Б029) – 2020 йил 16 сентябрдан буён амалда. Ўзбекистон томонидан 2019 йилда ратификация қилинган⁹. Баённома ижро этилиши мажбурий бўлган ҳужжат ҳисобланиб, давлатлардан мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўриш, қурбонларни ҳимоя қилиш ва уларга ҳимоя воситаларидан, шу жумладан компенсациядан фойдаланиш имкониятини яратишни талаб қилади. Мазкур ҳужжат 29-сонли Конвенцияни тўлдиради, шу сабабли ХМТга аъзо давлатлар ушбу Баённомани ратификация қилишдан олдин дастлаб Конвенцияни ратификация қилишлари лозим.

9. Ўзбекистон Республикаси Қонуни, № 545, 25.06.2019.

ХМТнинг назорат тизими/механизми*

Ўзбекистон 1992 йил 13 июлдан Халқаро Меҳнат Ташкилотига (ХМТ) аъзо бўлиб, бугунги кунда жами 18 та Конвенция (8 та асосий, 4 та бошқарув (устувор) ва 6 та техник конвенция) ва 1 та Баённомани ратификация қилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг барчаси амалда¹⁰.

Халқаро меҳнат стандартлари халқаро даражада ягона бўлган назорат тизимига асосланган бўлиб, бу мамлакатлар томонидан ратификация қилинган конвенцияларнинг ижро этилишини таъминлашда ёрдам беради. ХМТ доимий равишда ушбу стандартларнинг қўлланилишини текшириб боради ва уларни янада яхшироқ қўллаш мумкин бўлган соҳаларни кўрсатиб туради. Агар ушбу стандартларни қўллашда муаммолар келиб чиқса, ХМТ шу мамлакатларга ижтимоий мулоқот ва техник кўмак орқали ёрдам беришга интилади.

ХМТ Халқаро Меҳнат Конференцияси томонидан қабул қилинадиган ва давлатлар томонидан ратификация қилинадиган Конвенция ва Тавсияларни қонунлар ва амалиётда татбиқ этилишини назорат қилишнинг турли воситаларини ишлаб чиққан.

Назорат механизмнинг икки тури мавжуд:

Доимий назорат тизими

Ратификация қилинган ҳужжатларнинг қонунлар ва амалиётда қўлланилиши бўйича аъзо давлатлар томонидан юборилган ҳисоботлар ҳамда бу борада ходимлар ва иш берувчилар ташкилотлари томонидан юборилган кузатув натижаларининг ХМТнинг иккита органи томонидан текширилиши.

1. Конвенция ва Тавсияларнинг қўлланилишини ўрганиш бўйича Экспертлар қўмитаси.
2. Конвенция ва Тавсияларнинг қўлланилишини ўрганиш бўйича Халқаро Меҳнат Конференциясининг уч томонлама қўмитаси.

Махсус жараёнлар

Оддий назорат тизимидан фарқли ўлароқ, қуйидаги учта махсус жараён ариза ёки шикоятнинг келиб тушишига асосланади.

1. Ратификация қилинган конвенцияларни қўллаш бўйича аризаларни тақдим этиш тартиби.
2. Ратификация қилинган конвенцияларни қўлланилиши устидан шикоят қилиш.
3. Уюшиш эркинлиги бўйича шикоятларни кўриб чиқишнинг махсус тартиби (Уюшиш эркинлиги қўмитаси).

Назорат органларининг кузатувлари ва сўровлари журналистлар учун фойдали манба бўлиши мумкин. Бу уларга маълум бир халқаро меҳнат стандартларини қўллаш жараёнида юзага келаётган камчиликлар ва ижобий жиҳатларни аниқлашга ёрдам беради. ХМТнинг 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенцияга алоқадор сўнгги сўровларни NORMLEX платформасидан топиш мумкин**

* Батафсил маълумот ХМТнинг расмий веб-саҳифасида берилган (<https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/how-the-ilo-works/ilo-supervisory-system-mechanism/lang-en/index.htm>).

** https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=1000:13100:0::NO:13100:P13100_COMMENT_ID:4021990

10. NORMLEX, ХМТ. 2021. “Ўзбекистон томонидан ратификациялар.” https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEX-PUB:11200:0::NO::P11200_COUNTRY_ID:103538 веб-саҳифасида топишингиз мумкин.

Б. МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯХШИ АМАЛИЁТЛАР

- Арманистон.

Жиноят кодексига 2011 йилда киритилган ўзгартишларга кўра, эндиликда ҳуқуқбузарларнинг мол-мулкани мусодара қилишга рухсат берилди. Бундан ташқари, одам савдоси қурбонлари Ҳукумат томонидан ишга жойлашишда қўшимча ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган одамлар рўйхатига киритилиши белгиланди.

- Нигерия.

Нигериянинг “Одам савдосига қарши курашишга оид қонунларнинг ижро этилишини таъминлаш ва уни бошқариш тўғрисида”ги Қонуни (2015 йилда ўзгартишлар киритилган) нинг 62-бандида белгиланишича, “Одам савдоси қурбонига айланган шахслар одам савдоси қурбони бўлиш билан боғлиқ жиноятлар, мамлакатга келиш учун асос бўладиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаганлиги, сохта ёки умуман бошқа ҳужжатлардан фойдаланганлиги учун, агар бундай ҳолатлар асосли бўлса, ушлаб турилиши ва жавобгарликка тортилиши мумкин эмас”.

- Буюк Британия.

Буюк Британиянинг 2015 йилдаги “Замонавий қуллик тўғрисида”ги Қонунида одам савдоси, шу жумладан мажбурий меҳнат учун жиноий жазо белгиланган.

- АҚШ.

Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати 2012 йилда қабул қилинган 13627-сонли Фармон ва 2013 йилдаги “Давлат мудофааси тўғрисида”ги Қонуннинг XVII бобида одам савдосининг олдини олишда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш муҳимлиги таъкидланган. Кейинчалик АҚШ Ҳукумати “Федерал харидлар тўғрисида”ги қарорда “Одам савдосига қарши курашиш”га оид нормаларни киритди, ушбу сиёсат ва кўрсатмалар федерал контрактларни олувчи пудратчи ва субпудратчи корхоналарга маълум талабларни қўяди.

В. МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ВА КАДРЛАРНИ АДОЛАТЛИ ТАНЛАШГА ОИД МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Сўнги йилларда Ўзбекистон Ҳукумати мамлакатда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатида барҳам бериш бўйича кучли сиёсий иродани намоен этди ва бундай муаммоларни йўқ қилиш мақсадида қатор чораларни кўрди. Бу ўз навбатида АҚШ Меҳнат департаментининг 2019 йил 25 мартдаги қарорига биноан, мажбурий болалар меҳнати ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатида ўзбек пахтасини АҚШда давлат томонидан харид қилишни тақиқловчи маҳсулотлар рўйхатидан чиқаришга асос бўлди¹¹.

Ўзбекистон мажбурий меҳнат ва кадрларни адолатли танлашга оид ХМТнинг бир қатор Конвенцияларини ратификация қилди (1-бўлимга қаранг). Ўзбекистон ўз фуқароларини мажбурий меҳнат ва одам савдосидан ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларини қабул қилган. Бундай ҳимоя бошқа давлатларда ушбу ҳуқуқбузарликларга дуч келиши мумкин бўлган ўзбек фуқароларига ҳам татбиқ этилади. Қолаверса, Ўзбекистон ўзбек меҳнат муҳожирларининг бошқа давлатларда ишга жалб қилиниши жараёнини ҳам ҳуқуқий тартибга солган. Бундан кўзланган асосий мақсад, энг аввало, ушбу ишчилар ҳимоясини кафолатлаш ва уларнинг мажбурий меҳнат билан боғлиқ шароитларга тушиб қолишининг олдини олиш бўлса, иккинчи томондан меҳнат муҳожирларининг Ўзбекистон иқтисодиётига пул ўтказмаларини ва ўз-ўзидан ушбу ишчиларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш саналади.

11. Манба: АҚШ Меҳнат Департаменти (<https://www.federalregister.gov/documents/2019/03/25/2019-05360/notice-of-final-determination-to-remove-uzbek-cotton-from-the-list-of-products-requiring-federal>).

• **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси**¹²

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида мажбурий меҳнатга тўғридан-тўғри тақиқ назарда тутилган бўлиб, унга кўра “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.”

38-моддада “Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади”, деб кўрсатилган.

59-моддада қуйидаги норма келтирилган: “Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир”.

• **Меҳнат кодекси**¹³

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши деб номланган 7-моддасида “Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади”, деб кўрсатилган.

Бундан ташқари, Меҳнат кодекси ўзбек ишчилари учун назарда тутилган бир қатор фундаментал ҳимоя воситаларини ўз ичига олган. Булар жумласига қуйидагилар киради: дискриминация, шу жумладан касаба уюшмалари фаолиятида қатнашганлик асослари бўйича ишчиларни камситиш, иш жойларида ишчиларга нисбатан ёмон муносабатда бўлиш, уларни мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг тақиқланиши ва бошқалар.

• **Жиноят кодекси**¹⁴ ва **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс**¹⁵

Сўнгги йилларда мажбурий меҳнат учун жарималар сезиларли даражада ошди. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасида меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан 3 бараваригача жарима назарда тутилган бўлса, 2019 йилда жарима базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 30 бараваригача оширилди¹⁶; 2020 йилда эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 100 бараваригача оширилди¹⁷ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига иккита янги 148-1 ва 148-2-моддаларини киритиш орқали ушбу қилмишлар криминализация қилинди¹⁸. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчаларни назарда тутувчи қонун лойиҳаси 2020 йил 25 декабрь куни умумхалқ муҳокамасига қўйилган бўлиб¹⁹, унда, хусусан, вояга етмаган шахсларни мажбурий меҳнатга жалб қилишга оид янги 148-3-моддани киритиш назарда тутилган.

• **Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси**

- » 49-модда. Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш;
- » 49-1-модда. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш;
- » 49-2-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик;
- » 50-модда. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш;
- » 51-модда. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш;
- » 229-модда. Бўш иш ўринларини яшириш.

12. Инглиз тилида (<https://constitution.uz/en/clause/index>).

13. Инглиз тилида (https://www.ilo.org/dyn/natlex/natlex4.detail?p_lang=en&_isn=45056).

14. <https://www.lex.uz/docs/111453>

15. <https://www.lex.uz/docs/97664>

16. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 28.08.2019 йилдаги 558-сон Қонуни (<https://lex.uz/docs/4491958>).

17. 2021 йил 1 сентябрь ҳолатига базавий ҳисоблаш миқдори 270.000 сўмни ташкил этади.

18. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 22.01.2020 йилдаги 603-сон Қонуни (<https://www.lex.uz/docs/4708438>).

19. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш портали (<https://regulation.gov.uz/uz/d/26502>).

- **Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси**

- » 135-модда. Одам савдоси;
- » 138-модда. Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш;
- » 148-1-модда. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш;
- » 148-2-модда. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш.

• **Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида ҳам мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши тўғрисидаги норма мавжуд²⁰.**

• 2018 йилда Ўзбекистон Ҳукумати мамлакатда мажбурий меҳнатга барҳам бериш мақсадида қўшимча чора-тадбирларни қабул қилди²¹.

• Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида, шунингдек давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишини кафолатлайди²².

• **Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунидан²³ кўзланган асосий мақсад одам савдоси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бундай ишларни юритиш учун ҳар томонлама қонун нормаларини ҳаётга татбиқ этиш ҳисобланади.** 2020 йил 17 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ушбу қонуннинг янги таҳрири имзоланди. Мазкур Қонунга кўра, одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлар тўғрисидаги ва уларга нисбатан содир этилган ҳолатлар ҳақидаги ахборот, шунингдек кўрилатган хавфсизлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилмайди. Адлия вазирлиги томонидан ушбу нормага қуйидагича шарҳ бериб ўтилди: “Одам савдоси қурбонларини аниқлаш уларга зарур ёрдам ва ҳимояни кўрсатиш, шунингдек, уларнинг қайта ушбу жиноят қурбонига айланишини олдини олиш мақсадида амалга оширилади”²⁴.

Ҳукумат томонидан ҳам одам савдоси қурбонларининг ижтимоий реабилитацияси ва ҳаётга мослашиши мақсадида тегишли тартиб ишлаб чиқилди.

Хусусан, мазкур фуқароларга:

- ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш даврида моддий ёрдам кўрсатилади;
- вақтинчалик уй-жой, озиқ-овқат, санитария-гигиена воситалари билан, зарур ҳолларда эса кийим-бош, пойабзал ва бошқа энг зарур ашёлар билан таъминланади;
- ишга жойлашишда, таълим олишда, касбий жиҳатдан йўналтиришда ва касбга тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашда ёрдам кўрсатилади;
- ижтимоий жиҳатдан қайта интеграцияга, шу жумладан қариндошларини излашида ёрдам кўрсатилади.

Аввалроқ, Ўзбекистонда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар сони 2019 йилда 22 фоизга камайгани қайд этилган эди.

- **Меҳнат муҳожирларига оид қонунчилик**

Ўзбекистонлик ишчиларнинг хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини олиб бориши билан боғлиқ масалалар юзасидан қонунлар Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён (1991 йил) қабул қилиниб келинмоқда. Журналистлар ҳар доим энг актуал қонун ҳужжатларидан фойдаланаётганликларига ишонч ҳосил қилишлари керак. Қуйида асосий ва яқинда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар келтирилган:

20. <https://www.lex.uz/docs/5055690>

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 349-сон, 10.05.2018 (<https://www.lex.uz/docs/3730231>).

22. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 562-сон, 02.09.2019 (<https://lex.uz/docs/4494873>).

23. <https://lex.uz/docs/4953314>

24. Инглиз тилида (<https://kun.uz/en/news/2020/08/19/uzbekistan-forbids-disclosing-information-about-victims-of-human-trafficking>).

- Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни (2020)²⁵.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (2020)²⁶.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (2019)²⁷.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бориш учун республика ҳудудидан транспорт орқали чет элга жўнаб кетиш вақтида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2018)²⁸.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2018)²⁹.
- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг меҳнат муҳожирлари ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги конвенция (2008)³⁰.
- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ўртасида тузилган Меҳнат миграцияси ва меҳнат муҳожирларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим (1994)³¹.

25. <https://lex.uz/ru/docs/5055690>

26. <https://lex.uz/ru/docs/4997972>

27. <https://www.lex.uz/docs/4251564>

28. <https://lex.uz/ru/docs/3578933>


29. <https://lex.uz/docs/3903307>

30. Рус тилида ([https://nrm.uz/contentf?doc=201461_konvenciya_o_pravovom_statuse_trudyashchih_sya-migrantov_i_chlenov_ih_semey_gosudarstv-uchastnikov_sodrujestva_nezavisimyh_gosudarstv_\(kishinev_14_noyabrya_2008_g_\)](https://nrm.uz/contentf?doc=201461_konvenciya_o_pravovom_statuse_trudyashchih_sya-migrantov_i_chlenov_ih_semey_gosudarstv-uchastnikov_sodrujestva_nezavisimyh_gosudarstv_(kishinev_14_noyabrya_2008_g_))).

31. In Russian ([https://nrm.uz/contentf?doc=90779_soglashenie_o_sotrudnichestve_v_oblasti_trudovoy_migracii_i_socialnoy_zashchity_trudyashchih_sya-migrantov_\(moskva_15_aprelya_1994_g_\)](https://nrm.uz/contentf?doc=90779_soglashenie_o_sotrudnichestve_v_oblasti_trudovoy_migracii_i_socialnoy_zashchity_trudyashchih_sya-migrantov_(moskva_15_aprelya_1994_g_))).

2-МОДУЛЬ

ҲИКОЯНИ ИЗЛАБ ТОПИШ



2.1-БОБ. ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

Ҳикояга нисбатан адолатли муносабатда бўлиш ниҳоятда мушкул вазифа. Бу яхши тайёргарлик, масаланинг моҳиятини тушуниш, қаттиқ меҳнат ва шу билан бирга узоқ фидоийликни талаб қилади. Фотомухбир ва ҳужжатли фильм режиссёри Мими Чакарованинг айтишича, энг катта тайёргарлик – бу руҳий тайёргарликдир. Руҳий тайёргарликдан ташқари, у сифатли материал кенг қамровли тадқиқотлар натижасида келиб чиқишини ҳам таъкидлайди. Бунда сиз қуйида нималарни бажаришингиз ва қандай ишларни бажармаслигингиз кераклиги тўғрисида билиб олишингиз мумкин:

1-жадвал: Бажариш керак ва бажариш керак бўлмаган ҳаракатлар



БАЖАРИНГ

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари томонидан эълон қилинаётган хабарларни ўқинг ва кам ёритилаётган ҳикояларни қидиринг, буларга, хусусан, муносиб ишнинг танқислиги ёки ҳатто баъзи соҳалардаги ҳуқуқбузарликлар, қонунчиликдаги бўшлиқлар, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ҳамда уларга кўрсатиладиган хизматларда учраётган дискриминация ҳолатларини мисол қилиб келтириш мумкин.



БАЖАРМАНГ

Шов-шувга сабаб бўлган ҳикояларни қидирманг ёки ҳақиқий ҳолатни бузиб кўрсатиб, асл ҳикояга мос келмасликка ҳаракат қилманг.

**БАЖАРИНГ**

Тегишли мутахассислар - фуқаролик жамияти ташкилотлари, илмий доиралар ва мажбурий меҳнат соҳасида меҳнат қилаётган мутахассисларга мурожаат қилинг.

**БАЖАРМАНГ**

Заиф одамлар билан муомала қилаётганингизга эътибор берманг. Шошилманг, агар сиз белгиланган муддатда ишласангиз ҳам, бу оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

**БАЖАРИНГ**

Содир бўлиши мумкин бўлган ҳикояларни (вақт, формат, ҳуқуқий ва шахсий хавфлар, манбалар) ҳамда сиз ва сизнинг ахборот манбаларингиз учун потенциал оқибатларни баҳоланг.

**БАЖАРМАНГ**

Сизнинг мажбуриятингиз аудиторияни хабардор қилиш, уни ҳимоя қилиш эмаслигини унутманг.

2.2-БОБ. ҲИКОЯНИ ИЗЛАБ ТОПИШ

Ушбу бобда мажбурий меҳнат ҳолатлари тўғрисида ҳисобот беришга оид мисоллар мавжуд, бироқ бу модулнинг асосий мақсади суистеъмол қилишга оид ҳикояни очиб беришга қаратилмаган. Ижобий ҳикоялар катта аҳамиятга эга бўлиши, яъни суистеъмолчилик билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиши ва меҳнат миграцияси тўғрисида кенг жамоатчиликнинг фикрини яхшилашга қаратилган маълумотларни тақдим этиши мумкин. Кадрларни адолатли танлаш ва муносиб меҳнат шароитларида амалга ошадиган меҳнат миграцияси ишчи туғилиб ўсган ва меҳнат фаолиятини олиб бораётган мамлакатнинг ҳамда, қолаверса, ишчини ўзининг ривожланиши ва фаровонлиги ошишига олиб келиши мумкин.

Журналистлар ҳам сиёсат, қонунлар, бизнес амалиётидаги ижобий ўзгаришлар ва улар минглаб одамларнинг ҳаётини қандай қилиб ўзгартириши мумкинлиги ҳақидаги ҳикояларни гапириб беришлари мумкин.

Ушбу боб мавзулар бўйича тузилган бўлиб, қисқача кириш, ҳисобот бериш намуналари ва зарур ҳолларда ҳикояни бошлаб бериш учун саволлар рўйхатини тақдим этади.

А. ИНСОН ҲИКОЯЛАРИ

Одамлар томонидан айтиб бериладиган шахсий ҳикоялар энг қизиқарлилардан саналади. Бу ҳикояларни шов-шувли қилишнинг ҳожати йўқ, фактлар ва шахсий гувоҳликларнинг ўзлари учун гапиришларига йўл қўйиб беришнинг ўзи кифоя, айрим ҳолларда етишмаётган аниқ маълумотларни қўшиб қўйишингиз мумкин. Одамларга ёрдам беришга ихтисослашган гуруҳлар маълум бир фуқаро, масалан, қочиб кетган шахслар билан сизни боғлаши мумкин. Сиз уларнинг шахсини сир сақлашингиз лозим, агар буни улар сиздан сўрашган бўлса. Одамлар манфаати билан боғлиқ ҳикоялар одатда кенг тарқалади, улар мавжуд муаммолар ҳақида кенг аҳолининг хабардорлигини оширади ва ўзгаришларга сабаб бўладиган ижтимоий босимни юзага келтириши мумкин.

Сиз кўриб чиқишни исташингиз мумкин бўлган асосий саволлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Улар қандай қилиб ишга ёлланган?
- Улар қандай ишни бажармоқдалар?
- Улар саёҳатни қандай амалга оширдилар?
- Ишдан ташқари жойларда яшаш шароитлари қандай?
- Агар улар илгари мажбурий меҳнат ҳолатига тушиб қолган бўлсалар, қандай қилиб эркинликка чиқдилар?
- Атрофдагиларнинг улар ҳақидаги муносабати қандай бўлди?

ИНСОН ҲИКОЯЛАРИГА ОИД МИСОЛЛАР

Коронавирус пандемияси даврида хорижий давлатларда яшаётган миллионлаб ўзбек меҳнат муҳожирлари қандай кун кўрмоқдалар?

2020 йил 6 июнь куни Хабар.uz интернет нашрида Россиядаги айрим ҳикоялар эълон қилинган бўлиб, улар билан <https://www.xabar.uz/jamiyat/osmon-uzoq-er-qattiq-koronavirus> веб-саҳифаси орқали танишишингиз мумкин.

Жанубий Кореяда рўй берган ҳикоялар 2020 йил 5 май куни Kun.uz интернет нашрида эълон қилиниб, бу билан <https://kun.uz/79932249> веб-саҳифаси орқали танишишингиз мумкин.

Бу материаллар чет элда яшаётган ўзбек меҳнат муҳожирларининг шахсий ҳикояларини сўзлаб беради. Шуниси аёнки, уларнинг ҳаёти ва иш шароитлари айнан пандемия даврида янада мураккаблашди. Ўзбек журналистлари томонидан тайёрланган қатор мақолалар ўз ватандошларини хушёрликка чақиради. Шу билан бирга, бундай мақолалар муайян муаммолар тўғрисида хабардорликни оширишга ва ўзгаришлар бўлиши учун ижтимоий босимни яратишга ёрдам беради.

Б. МЕҲНАТ ВА ИШ ЖОЙИ

Муносиб меҳнат одамларнинг меҳнат фаолиятидаги интилишларини акс эттиради. Муносиб меҳнат дастури қуйидаги 4 та устундан иборат: янги иш жойларини яратиш, ижтимоий ҳимоя, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлар ва ижтимоий мулоқот. Ишчиларни ёллаш шартлари ушбу устунларнинг ҳар бирини амалга оширишга таъсир қилиши мумкин ва адолатли ёллаш барча ишчиларга татбиқ этилиши лозим. Шунга қарамай, кўплаб соҳаларда мажбурий меҳнатга олиб келувчи қонунбузарликлар содир бўлиши мумкин. Бу назаримиздан ташқари соҳаларда, масалан уй хўжалигидаги ишларда ёки узоқроқ жойларда, масалан қишлоқ хўжалиги, кончилик ва балиқчилик ишларида содир бўлиши мумкин ёхуд бизнинг кундалик ҳаётимизга яқин бўлган соҳалар, масалан умумий овқатланиш ва меҳмонхона бизнесида ҳам рўй бериши мумкин.

Сиз кўриб чиқишни исташингиз мумкин бўлган асосий саволлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Сизнинг худудингизда асосий фаолият юритиш ва бандлик соҳалари қайсилар?
- Ишчилар ишга жойлашиш учун қандай ҳаракатларни амалга ошириши керак? Улар ишга ёллаш билан боғлиқ тўловларни амалга оширишлари керакми? Қандай қилиб аванс тўловлар ишчиларни “қарздорлик қуллиги”га тушириб қўйиши мумкин?
- Иш берувчилар ва ходимлар меҳнат фаолиятида давомидаги ўз ҳуқуқларидан хабардорми?
- Меҳнат шароитлари қанақа?
- Ишда хавфсизлик ва соғлиқни сақлашга оид қандай маълумотлар тақдим этилади?

ИШДАГИ ҲИКОЯЛАРГА ОИД МИСОЛЛАР**1,7 млн ўзбекистонлик хорижда меҳнат қиляпти**

Ушбу мақолада Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишни тезлаштириш зарурлиги таъкидланган.

Мазкур ҳикоя 2021 йил 26 май куни [review.uz](https://review.uz/oz/post/17-mln-uzbekistancev-rabotayut-za-rubejom) интернет нашрида эълон қилинган (<https://review.uz/oz/post/17-mln-uzbekistancev-rabotayut-za-rubejom>).

Қозоғистонда ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари ҳуқуқлари ҳимоя қилинади

Ушбу мақолага кўра, Қозоғистон ўзбек меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимни ратификация қилган.

Ҳикоя 2020 йил 20 апрель куни [gazeta.uz](https://www.gazeta.uz/uz/2020/04/20/work-protection/) интернет нашрида эълон қилинган (<https://www.gazeta.uz/uz/2020/04/20/work-protection/>)

В. БИЗНЕС ВА ИҚТИСОДИЁТ

Мажбурий меҳнат ва кадрларни ишга адолатсиз қабул қилиш катта ноқонуний даромадни келтиради. ХМТ тадқиқотлари шуни кўрсатадики, замонавий қуллик йилига 150 млрд. АҚШ долларидадан ортиқ даромадни шакллантиради³².

Янгиликлардаги хабарлар ушбу муаммолар ортидаги иқтисодий сабабларни очиб бериши ҳамда иш берувчи ва бизнес сектори вакиллари мажбурий меҳнат хавфи билан курашишга ундаши мумкин, шу билан бирга, уларнинг ўзларида ва таъминот занжири тизимида ишга адолатли ёллаш ва муносиб меҳнат шароитларини яратишни рағбатлантириши мумкин.

Сиз кўриб чиқишни иштаингиз мумкин бўлган асосий саволлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Ишга адолатсиз ёллаш, эксплуатацион меҳнат шароитлари ва мажбурий меҳнат ортида қандай иқтисодий наф бор?
- Қандай қилиб уларни қайтариш ёки енгиш мумкин?
- Корхоналар ўз ишларида муносиб меҳнат шароитларини яратиш мақсадида қандай ишларни амалга оширмақдалар?
- Давлат ва хусусий корхоналар таъминот занжири тизимида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида қандай чораларни кўрмақдалар?
- Корпоратив ваъдалар ҳақиқий бизнес амалиётига қандай сингдирилган?
- Истеъмолчилар томонидан бўлган босим ишчилар аҳволи яхшиланишига олиб келганми?

32. ХМТ, 2014. Даромад ва қашшоқлик: мажбурий меҳнатнинг иқтисодиёти.

ПУЛ ТЎҒРИСИДА ҲИКОЯЛАРГА ОИД МИСОЛЛАР

«Ишонувчанлигим менга панд берди» – юзлаб одамларни алдаган яна бир хусусий агентлик тўғрисида ҳикоя.

Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида яшовчи Хуршид исмли фуқаро Kun.uz таҳририяти билан боғланиб, пойтахтнинг Чилонзор туманида жойлашган «Korean and migration xususiy bandlik agentligi» МЧЖ раҳбарияти устидан шикоят қилади. Шикоятга кўра, у ва унинг дўстлари Жанубий Кореяда ишлаш мақсадида 2019 йилнинг февраль ойида юқоридаги хусусий агентликка мурожаат қилган. Агентлик ходими билан гаплашгандан сўнг, февраль ойининг охирида агентлик ва Хуршид ўзаро келишувга эришадилар. Унга кўра, Хуршид кўрсатиладиган хизматлар эвазига банк орқали агентлик ҳисоб рақамига 27 миллион сўм тўлайди. Март ойида у Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) томонидан Тошкентда ташкил этилган бир ҳафталик касб-хунарга тайёрлашга бағишланган тренингда иштирок этади. Шундан сўнг, хусусий агентлик директори уларга март ойининг охирида ишлаш учун Кореяга кетишларини айтади. Шундай бўлсада, октябрь ҳам етиб келади, бироқ Хуршидни Жанубий Кореяга ишлаш учун юборишмайди ва пулини ҳам қайтариб беришмайди.

Ҳикоянинг рус тилидаги тўлиқ матнини <https://kun.uz/ru/news/2019/10/22/>

Г. МИГРАЦИЯ

ХМТнинг ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда дунёда 150 миллион меҳнат муҳожирлари мавжуд³³. Миграция тўғрисидаги ҳикоялар одамлар ва уларнинг оилалари яхшироқ имкониятларни қидириш йўлида дуч келаётган қийин танловларни кўрсатиб беради. Шу билан бирга, бундай ҳикоялар меҳнат муҳожирлари ўз мамлакатлари иқтисодиётига қўшаётган ижобий ҳиссасини кўрсатишга, умумий салбий стереотип ва ксенофобияларни енгиб ўтишга ёрдам беради.

Сиз кўриб чиқишни исташингиз мумкин бўлган асосий саволлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Нима учун одамлар уйдан узоқда ишлаш имкониятларини қидиришади?
- Миграция учун қандай қонуний имкониятлар мавжуд?
- Одамлар қандай саёҳат қилишади?
- Миграцияни ким осонлаштиради?
- Қонуний ёки белгиланган миграция йўллари тўсатдан ёпилганда нима бўлади?
- Меҳнат муҳожирлари улар борган мамлакатда қандай кутиб олинади? Уларга адолатли муносабатда бўлишадими?

33. ХМТ, 2018. ХМТнинг Халқаро меҳнат муҳожирлари бўйича глобал ҳисоб-китоблари – натижалар ва методология (https://www.ilo.org/global/publications/books/WCMS_652001/lang--en/index.htm).

МОБИЛЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҲИКОЯЛАРГА ОИД МИСОЛЛАР

Меҳнат миграцияси: Туркиядаги ватандошлар қандай муаммоларга дуч келишяпти?

Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 12 фоизи ёки 2 миллиондан ортиқ одамлар хорижий давлатларда ишламоқдалар. Хусусан, Туркияда жами 43 178 нафар ўзбек меҳнат муҳожирлари рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 9 944 нафари расман меҳнат фаолиятини олиб бораётган бўлса, 33 234 нафари норасмий равишда ишламоқдалар. Рақамлар билан таққослаганда, Туркиядаги ўзбек меҳнат муҳожирлари сонига нисбатан норасмий ишчилар улуши 78 фоизни ташкил этади. Шу ўринда бир савол туғилади – орадаги фарқ нега бунчалик катта?

Ушбу ҳикоя 2020 йил 24 август куни <https://uznews.uz/ru/article/23849/> веб-саҳифасида чоп этилган.

Д. ДИСКРИМИНАЦИЯ

Дискриминация одамларнинг жинси, ирқи, миллати, маҳаллий аҳолига мансублиги ва ногиронлигига асосланиши мумкин. Бундай дискриминациянинг барча турлари ишга қабул қилиш ва меҳнат шароитларига таъсир кўрсатиши мумкин. Баъзи ҳолларда ишчилар улар маълум бир этник гуруҳ ёки кастага мансублиги, ҳаттоки айрим шаклдаги сиёсий қарашларга эга бўлганлиги сабабли мажбурий меҳнатга жалб қилиниши мумкин. Бошқа ҳолларда, аёл меҳнат муҳожирлари ўз ватанида ёки бошқа давлатларда ишда камситишларга дуч келишлари мумкин. Ишга қабул қилиш ва мажбурий меҳнатга оид масалаларни кўриб чиқишда дискриминацияни инobatга олиш муҳим аҳамиятга эга. Иш жойидаги дискриминацияни бартараф этиш ва тенг ҳуқуқлилиқни тарғиб қилувчи ҳикоялар бошқаларнинг бу муаммо ҳақидаги хабардорлигини ошириши ва уларнинг фикрлаш тарзини ўзгартириши мумкин.

Сиз кўриб чиқишни истагингиз мумкин бўлган асосий саволлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Баъзи одамлар ишга кириш имкониятлари, ишга қабул қилиш жараёни ва меҳнат шароитлари доирасида дискриминацияга дуч келяптиларми? Қайси соҳаларда?
- Иш жойида тенг ҳуқуқлилиқни таъминлашга қаратилган ҳаракатлар бўлаяптими?
- Ички ва халқаро миграция одамларнинг айрим тоифаларига турлича таъсир қиладими?
- Баъзи одамларнинг бошқаларга нисбатан мажбурий меҳнатга туриш эҳтимоли юқорими? Болаларми? Аёлларми? Эркакларми? Маҳаллий аҳолими?
- Аёллар ва эркаклар ишда тенг ҳуқуқларга эгами? Улар ўзларининг ҳуқуқлари ҳақида бирдек хабардорми?

ТУРЛИ ХИЛ ҲОЛАТЛАР (Ш.Ж. КАМСИТИШЛАР) ТЎҒРИСИДАГИ ҲИКОЯЛАРГА ОИД МИСОЛЛАР

Чеченистонда қулликка тушган ўзбекистонлик аёллар қандай қутқарилди?

Россияда бир гуруҳ ўзбек аёлларини, уларга иш топиб беришни айтиб, алдов йўли билан Чеченистонга олиб ўтишади. Аёлларнинг сўзларига қараганда, улар иссиқхоналарда кун бўйи, 18-20 соатлаб ишлашга мажбур бўлганлар. Бу ҳақдаги видеомурожаат Чеченистон раҳбари Қодировга юборилган. Москвадаги ҳуқуқни ҳимоя қилувчи фаоллар ушбу аёлларга ёрдам беришди.

Ҳикоя 2021 йил 29 июль куни <https://www.bbc.com/uzbek/world-58012220> веб-саҳифасида нашр этилди.

Е. ҚОНУН, УНИНГ ИЖРОСИ ВА ЖИНОЯТЛАР

Кўпгина мамлакатларда адлия тизими меҳнат ҳуқуқининг бузилиши каби инсониятнинг энг ноҳуш одатларини ёритади. Агар сизнинг мамлакатингизда меҳнатга оид ҳуқуқлар бузилаётган бўлса, бунга масъул бўлган ташкилот ва шахсларга, улар шу масала билан шуғулланадиган асосий полиция ёки бошқа ихтисослаштирилган агентлик бўладими, мурожаат қилинг. Агар бу жойда қонунлар бўла туриб, бироқ улар ижро қилинмаётган бўлса, унда савол беринг “Нега ижро қилинмаяпти?”.

Сиз кўриб чиқишни исташингиз мумкин бўлган асосий саволлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Мамлакатингизда шу масалаларга оид қандай қонунлар мавжуд?
- Ушбу қонунларнинг ижро этилишига ким масъул?
- Улар ўзларига юклатилган ушбу вазифани қандай бажараяптилар?
- Қонунларнинг ижро этилиши аҳволи қай даражада?
- Ишчиларнинг ҳуқуқларини поймол қилганлик учун қандай оқибатлар мавжуд?

АДЛИЯ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИКОЯЛАРГА ОИД МИСОЛЛАР

Меҳнатга мажбурий жалб этиш: кеча ва бугун. Ўзбекистонда сўнгги йилларда мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида

Мажбурий меҳнат нима ва у қандай кўринишларга эга? Қандай ҳаракатлар мажбурий меҳнат ҳисобланмайди? Мажбурий меҳнат учун жавобгарлик мавжудми? Сўнгги йилларда бу соҳада қандай ўзгаришлар юз берди? Bugun.uz колумнисти Мурод Нажмиддинов ушбу саволларга жавоб беради.

Ушбу ҳикоя 2021 йил 15 август куни <https://bugun.uz/2021/08/15/mehnatga-madjburiy-djalb-etish-kecha-va-bugun-ozbekistonda-songgi-yillarda-madjburiy-mehnatga-barham-berish-borasida-amalga-oshirilgan-ishlar-haqida> веб-саҳифасида нашр этилди.

Ж. АХБОРОТ, ТАЪЛИМ ВА ҲИМОЯ

Ҳикоялар меҳнатга оид ҳуқуқларнинг бузилишига қарши курашишда ўз ҳиссасини қўшувчи ва ҳамма учун муносиб меҳнатни тарғиб қилувчи одамлар билан бойитилиши ва илҳомлантирилиши мумкин.

Сиз кўриб чиқишни исташингиз мумкин бўлган асосий саволлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Одамларни ўз ҳуқуқлари тўғрисида хабардор қилиш учун нима қилинмоқда?
- Ҳуқуқи бузилган шахсларни ҳимоя қилиш учун ким ҳаракат қилмоқда?
- Мажбурий меҳнатда бўлган ва бошқа давлатларга кўчиб бораётган одамларга нисбатан жамиятнинг муносабати қандай, уларни қўллаб-қувватладими ёки уларга нисбатан душманлик муносабатида бўлишадими?
- Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи гуруҳлар томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг қарама-қарши таъсири борми?
- Машҳур одамлар ёки бошқа шахсларнинг жамиятда хабардорликни оширишдаги роли қанақа?

ХАБАРДОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҲИКОЯЛАРГА ОИД МИСОЛЛАР

Вазирлик вакили меҳнат муҳожирлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ҳақида маълумот берди

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги директори Азим Ахматов Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг хорижда меҳнат фаолиятини олиб бораётган ишчиларимизни уларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилганда ёки улар билан бахтсиз ҳодисалар содир бўлганда ҳимоя қилиш тизими ҳақидаги саволига жавоб берди.

Жавоб матни билан <https://kun.uz/news/2020/11/10/vazirlik-vakili-mehnat-muhojirlari-huquqlarini-himoya-qilish-tizimi-haqida-malumot-berdi> веб-саҳифасида танишишингиз мумкин.

2.3-БОБ. ЁРДАМ ОЛИШ

А. ЁРДАМ ОЛИШГА МУВАФФАҚ БЎЛИШ

Агар сиз мухбир бўлсангиз ҳамда вақт ва ресурсларни талаб қиладиган ҳамда бошқа томондан душманликка оид муносабатни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳикояни ёзмоқчи бўлсангиз, муҳаррирларингизни ушбу вазифани амалга оширишга рухсат беришга кўндиришдек мушкул вазифага дуч келишингиз мумкин.

Бунда ягона йўл бу таҳририятни ушбу ишнинг ниҳоятда муҳимлигига ва ташкилот томонидан бериб бориладиган янгиликлар қийматини оширишга хизмат қилишига ишонтириш ҳисобланади. Сиз раҳбарларингизга қуйидагиларни эслатишингиз мумкин:

- Суриштирувлар – журналистиканинг юраги ҳисобланади.
- Кучли суриштирувлар бўйича ҳисоботлар ташкилот томонидан бериб бориладиган янгиликлар қийматини, унинг репутацияси ва потенциал даромадини оширади.
- Материал ёки ҳисоботлар ўзига хос юқори сифатга эга бўлиб, эътибор ва мақтовни ўзига тартади.
- Сизнинг ташкилотингиз мавзуга “эгаллик” қилиши мумкин, бу дегани ушбу мавзунини ёритишда табиий равишда у “уйига” айланиши мумкин. Бошқа одамлар ҳам шунга ўхшаш ҳикоялар билан чиқишлари мумкин, албатта.
- Материал (ҳисоботлар) ни мукофотланадиган материаллар рўйхатига киритиш имконияти бўлиши мумкин.

Б. МОЛИЯЛАШТИРИШ

Суриштирув давомида сиз қўшимча вақт ва ресурсларни қидираётган бўлсангиз, тахминий харажатлар, шу жумладан ходимларнинг кетадиган вақти, хизмат сафари ва яшаш ҳамда бошқа харажатларини кўрсатишингиз фойдадан холи бўлмайди. Ҳикояни молиялаштириш учун ташқи манбаларга мурожаат қилинг: халқаро нодавлат ташкилотлари миграция масалаларида бир нечта материалларни тайёрлаш учун бошқа давлатга кетаётган мухбирнинг харажатларини қоплашга розилик бериши мумкин. Баъзан танлов ғолибларига грантлар ажратилиши мумкин.

Материал бир тарафлама бўлиши ва ҳомий хоҳлаётган нарсаларни ўзида акс эттириши мумкинлиги тўғрисидаги хавф ҳақида бохабар бўлинг. Шу жиҳатдан янгиликларни бериб борувчи ташкилот таҳририят назоратини сақлаб қолиши ва охир-оқибат нашр этиладиган материал учун масъул бўлиши муҳимдир.

В. БОШҚА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Янгиликларни бериб борувчи бошқа ташкилот билан ҳамкорлик қилиш харажатларни камайтириши ва таъсир доирасини ошириши мумкин. Ҳатто Guardian ва the Washington Post каби ахборотларни ёритувчи ташкилотлар ҳам буни муваффақиятли амалга оширдилар. Бу борада фаолият юритувчи кичик ташкилотлар учун ҳам бошқа давлатлардаги субъектлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари мавжуд.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар нашр вақти келганида ҳам фойдали бўлади. Ҳикояларнинг бир неча ахборот воситаларида ва эҳтимол турли мамлакатларда бир вақтнинг ўзида ёритилиши каттароқ таъсир ва аудиторияга эга бўлиши мумкин.

Глобал Журналистик Суриштирув Тармоғи ўзининг Одам савдосига қарши курашиш бўйича ресурсларида бир неча қизиқарли ҳамкорликларни санаб ўтади.

Г. ТАШҚИ ЁРДАМ

Сиз томонингиздан тайёрланган хабар медиа уйингизнинг ташқарисида ҳам, ичкарасида ҳам кучли қўллаб-қувватланишига ишонч ҳосил қилинг.

Тахминий номзодлар:

- Сайланган сиёсатчилар
- Корхона раҳбарлари
- Қонун ижросини таъминловчи мансабдор шахслар
- ННТ ва ташвиқот гуруҳлари раҳбарлари
- Илмий доира вакилларига ўхшаган экспертлар
- Машҳур одамлар.

Ҳикоянгишни тушунтиринг ва улардан ёрдам сўранг. Кўрсатилган ёрдам ҳақида бир-икки сўзларни уларнинг суратлари билан бирга ҳикояга қўшиб қўйинг. Бу, шунингдек, сизга яхшиликни раво кўрмайдиганларга жамиятда қўллаб-қувватланаётганинги кўрсатади.

3-МОДУЛЬ

ҲИКОЯНИ ОЛИШ



3.1-БОБ. РЕСУРСЛАР

А. ФАКТЛАР ВА РАҚАМЛАР

Фактлар барча журналистик суриштирувларнинг асосидир. Бир қарашда фактлар оддий қоғоздаги қуруқ рақамлардан иборат, холос, лекин уларни тўғри тушуниш ва талқин қилиш орқалигина фактлар ҳақиқатан қизиқарли бўладиган ҳикояларни ёритиб бериши мумкин. Ҳужжатлар билан ишлашни ўрганинг. Расмий статистика, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд қарорлари, компания нашрлари ва газеталарга ўхшаган расмий ёки ҳурматга сазовор бошқа ҳужжатларга мурожаат қилинг.

Б. ФОТОСУРАТЛАР ВА ВИДЕОЛАР

Фотосуратлар ва тобора кўпайиб бораётган видеоматериаллар замонавий ҳикояларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Аммо, мажбурий меҳнат ва адолатсиз ишга ёллаш одатда назардан четда, яъни кўзга кўринмас жойларда содир бўлади ҳамда ҳуқуқбузарлар билан бир қаторда жабрланувчилар ўзларининг шахсларини ошкор этишни хоҳламайдилар.

Агар бирор киши расмга ёки видеога тушишга розилик билдирсада, бироқ шахсини ошкор қилмасликни сўраса, бундай пайтда уларнинг шахсини ҳимоя қилишни шу босқичданоқ амалга ошириш зарур, бунда кейинчалик медиа материалга қайта ишлов бериш ва таҳрирлаш жараёнида суҳбатдошнинг юзини пикселлаш ёки яширишга оид техник воситалардан фойдаланишдан кўра, тасвирга олиш жараёнида унинг силуэти ёки қўлларини тасвирга туширишнинг ўзи кифоя ва яхшироқ ҳамдир.

Сиз оригинал тасвирни ололмаган тақдирда нима қиласиз?

- Сиз расмлар базасидаги стандарт расмлардан фойдаланишингиз мумкин, лекин бу расмлар сизнинг ҳикоянгизга тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Занжирбанд қилинган одамларга ўхшаган шов-шувга сабаб бўладиган суратларни ишлатманг.
- Сиз ўз ҳикоянгизни расмлар, карикатуралар ва бошқа санъат асарлари билан тасвирлашингиз мумкин.
- Сиз ҳаттоки ўз ҳикоянгизни тасвирсиз ҳам қолдиришингиз ва ўқувчингизга нега бундай йўлни танлаганингизни тушунтиришингиз мумкин.

Расмлар муҳим роль ўйнайди, лекин маҳорат ва ресурсларнинг етишмовчилиги, одатда, расмларни бетартиб таҳрирлашга ва охир-оқибат томошабинларга катта зарар етказишга олиб келади.

3.2-БОБ. ХАВФСИЗЛИК

А. ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЭТИКА ТАМОЙИЛЛАРИ

Куйида материалларни тайёрлашда хавфсиз қолиш учун айрим асосий маслаҳатларни берамиз:

- Аниқликка эътибор беринг.

Фақатгина ўзингиз текширган ва қайта текширган ҳамда тўғрилигига шубҳа қолмаган фактлардан фойдаланинг. Қолганларнинг барчаси даъво ва унга тегишли бўлиши керак. Даъволар ҳақида хабар беришда эътиборли бўлинг. Хулосалар қилманг. Қобилиятингиз чегарасидан чиқманг. Агар сиз нозик мавзунини ёритаётган бўлсангиз, кўришингиз мумкин бўлган нарсалар ҳақида хабар беринг ёки ҳеч бўлмаганда атрофдагилар сизга нима деганини айтиб беринг. Таҳлил, талқин ва тахминларни бошқа манбаларга эга бўлган ва ҳолатни кенгроқ кўра оладиган шахсларга қолдириг.

- Скептик бўлинг.

Ҳолат тўғрисида сизга берилган барча маълумотларни таҳлил қилинг. Сиз ёритаётган ҳолатлар нозик бўлган пайтларда уларда иштирок этган ҳар қандай одам билан бўлаётган суҳбатларни ёзиб олиш имкониятини кўриб чиқинг. Кейинчалик, улар босим остида сизнинг хабарларингизни рад этиши ҳам мумкин, бундай вазиятларда сиз аудиоёзув ва қайдларингизни судга тақдим эта оласиз.

- Балансни сақланг.

Барча томонларнинг фикрларини билиб олинг. Агар улар сиз билан гаплашишни хоҳламасалар ёки сиз улар билан боғлана олмасангиз, улар эгаллаган лавозимга мувофиқ расмий веб-сайт ёки ахборот агентлигига ўхшаган обрўли манбаларни қидириб кўринг. Агар сиз бу борада муваффақиятсизликка учрасангиз унда бунинг сабабини тушунтириг, масалан “Мана бу ва у сабабларга кўра қуйидаги ахборотнинг манбасини топиш имкони бўлмади”.

Судья, прокурор ёки инсон ҳуқуқларининг фаол ҳимоячиси сифатида ҳаракатланманг. Бунинг сизга маълумот бера оладиган ва таҳлил қила оладиган мутахассисларга қолдириг.

• Холис бўлинг.

Можаро тарафларидан бирининг фикрини илгари сурманг.

Бир томоннинг қанчалик яхши (кучли, қаҳрамон, қатъиятли, ҳақли) ёки иккинчи томоннинг қанчалик даҳшатли (ёвуз, кучсиз, қўрқоқ) эканлигини тасвирлаш мақсадида ушбу сўзлардан (одатда сифатлардан) фойдаланманг.

Шуни билинги, бир жамиятда кенг ишлатиладиган ва қасддан зарарли мақсадларни кўзламайдиган сўзлар бошқа жамиятда ҳуқуқбузарликка олиб келиши мумкин. Ўзингизни “қабила” ёки “абориген” сифатида тасвирланишингизни хоҳлайсизми? Одамларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлинг. Улар ўзларини қандай таърифланишни хоҳлаётганликларини билиб олинг.

Ҳисоботда сизнинг нохолис бўлган шахсий фикрларингиз қачон пайдо бўлганини пайқанг ва уни олиб ташланг³⁴.

МАНБАЛАР

Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси. (2012 йил). Журналистик хавфсизлик бўйича қўлланма. [Онлайн]. <https://cpj.org/security/guide.pdf> веб-саҳифасида танишишингиз мумкин.

Европа Кенгаши. (сана йўқ). Журналистикани ҳимоя қилиш ва журналистлар хавфсизлигини қўллаб-қувватловчи платформа. [Онлайн]. <https://www.coe.int/en/web/media-freedom> веб-саҳифасида танишишингиз мумкин.

ХЖФ. (сана йўқ). Хавфсизлик. [Онлайн]. <https://www.ifj.org/what/safety.html> веб-саҳифасида танишишингиз мумкин.

ХЖФ. (сана йўқ). Гендер тенглиги. [Онлайн]. <https://www.ifj.org/what/gender-equality.html> веб-саҳифасида танишишингиз мумкин.

Халқаро Янгилар Хавфсизлиги Институти. (сана йўқ). Институт Хавфсизлик коди. [Онлайн]. <https://newssafety.org/about-insi/insi-safetycode> веб-саҳифасида танишишингиз мумкин.

ЮНЕСКО. (сана йўқ). Журналистларнинг хавфсизлигига алоқадор асосий қоидалар [Онлайн]. <http://www.unesco.org/new/en/communication-and-information/freedom-of-expression/safety-of-journalists/basic-texts> веб-саҳифасида танишишингиз мумкин.

ЮНЕСКО. (2015 йил). Журналистлар учун хавфсизлик йўриқномаси. Юқори хавф-хатар остидаги муҳитда ишловчи журналистлар учун қўлланма. [Онлайн]. <http://www.unesco.org/new/en/communication-and-information/resources/publications-and-communication-materials/publications/full-list/safetyguide-for-journalists> веб-саҳифасида танишишингиз мумкин.

ЮНЕСКО. (сана йўқ). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Журналистлар хавфсизлиги ва жазосизлик муаммоси бўйича ҳаракат режаси. [Онлайн]. <https://en.unesco.org/un-plan-action-safety-journalists> веб-саҳифасида танишишингиз мумкин.

34. Ахлоқий журналистика тармоғи, 2018. Миграция ҳақида материал тайёрлаш учун беш банддан иборат қўлланма (<https://www.youtube.com/watch?v=aongjvQ-QCE>).

Б. ШАХСИЙ ХАВФСИЗЛИК

Адолатсиз ишга ёллаш ёки мажбурий меҳнат каби масалалар ҳақида хабар бераётган журналистлар, айниқса ушбу маълумотни объектив ва холис бераётганлар хавф остида бўладилар. Сиз, эҳтимол, жинсий ташкилотлар ёки кучли шахслар ёхуд ҳаттоки давлат томонидан содир этилаётган суистеъмолликларни фош этаётган бўлишингиз мумкин. Куч ишлатишлар қўрқитиш ва таъқиб қилишдан тортиб, ҳақиқий зўравонлик, ноқонуний ҳибсга олиш ва ушлаб туришларгача содир бўлиши мумкин. Сиз булардан бохабар бўлиб, тайёр туришингиз керак.

В. ЖИСМОНИЙ ВА РУҲИЙ СОҒЛИҚ

Зарар етказадиган топшириқларга руҳан тайёр тулинг. Ҳикоялар ва тажрибаларингизни ҳамкор журналистлар билан ўртоқлашинг. Бошлиқларингиз ва ҳамкасбларингизга саволлар бериш орқали кўпроқ маълумотга эга бўлинг.

Соғлигингизга нисбатан содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай потенциал хавф борлигини доимо ёдда тутинг.

Г. РАҚАМЛИ ХАВФСИЗЛИК

- Нозик манбаларга алоқага чиқиш мумкин бўлган маълумотларни қўлёзма қайдларда, китобларда мобиль телефон ёки компьютер файлларида сақламанг.
- Ўз контактларингизга шифрланган ном беринг ва айнан шуни ўз қайдларингизда ишлатинг.
- Ўз мобиль телефонингизни кучли ПИН-код билан ҳимояланг.
- Нозик манбаларга алоқага чиқиш имконини берувчи маълумотларни ўйлаб топилган номлар билан сақланг.
- Нозик қўнғироқлар тўғрисидаги маълумотларни ўчиринг.
- Ёзма хабарларни ўчиринг.
- Нозик рақамларни бошқа формат остида яширинг.
- Веб-браузерингизда юқори даражадаги хавфсизликни қўллашни ўрганинг.
- Шифрланган электрон почта хабарларини юборишни ўрганинг.
- Ижтимоий тармоқда нима ёзаётганингизга эътиборли бўлинг.

Д. ЯШИРИН ҲОЛАТДА БЎЛИШ

Журналистиканинг умумий қоридаси шундаки, улар ўзларининг кимлиги тўғрисида маълумотни беришда очиқ ва самимий бўлишлари керак. Улар журналистларга берилмайдиган маълумотни олиш учун ўз шахсини ёки фаолиятини яширмаслиги керак. Бироқ, тўлақонли очиқ бўлган ҳолда жиноятчилик ва ижтимоий нормаларга хилоф хатти-ҳаракатлар тўғрисида ишончли далилларни тўплаш қийин бўлиши мумкин.

Шу сабабли, жиноят ёки жамият учун жиддий номақбул ҳаракатлар бўлиши мумкинлиги тўғрисида одамларда катта қизиқишга олиб келувчи сабаблар бўлса, шунда ва фақат айти пайтда суриштирув ўтказувчи айрим журналистлар ўйлаб топилган шахслар номи остида, масалан малакасиз ишчи бўлиб, ходимлар ҳуқуқлари бузилаётган жойга ишга киришга ҳаракат қилишлари мумкин. Бу “яширин ҳолатда юриш” деб номланади.

МАНБАЛАР

Р.Эйж. (сана йўқ). [Онлайн]. Одам савдоси қурбонига айланган талаба. <https://www.rage.com.my/trafficked/> веб-саҳифасида танишишингиз мумкин.

Мева йиғиш ҳолати бўйича ўтказилган суриштирув (<https://www.smh.com.au/interactive/2016/fruit-pickinginvestigation/>)

Агар журналист яширинча овозни ёзиб олса ёки видеотасвирга туширса, суд уларни шахсий ҳаётга тажовуз қилган деб, ҳаракатларини ноқонуний деб топиши мумкин. Яширин ҳолатда юрган журналистлар таҳдид ва ҳатто жисмоний зўравонликка дуч келиши мумкин.

Куйидагиларни кўриб чиқинг:

- Сиз фош қилмоқчи бўлган ташкилотга қандай киришингиз мумкин?
- Сиз якка ишлайсизми?
- Хавфсиз эканлигингизга қандай ишонч ҳосил қиласиз?
- Сизнинг махфий ҳолатдаги шахсингиз ва ҳаётингиз нималардан иборат?
- Қандай қилиб кўп савол беришдан ва шубҳа уйғотишдан қочасиз?
- Сиз маълумотни ташқарига қандай олиб чиқасиз?
- Агар бирор нарса нотўғри кетса ўзингизни қандай қутқарасиз?

3.3-БОБ. МАНБАЛАР

Сиз турли-туман манбалардан, жумладан ишчилар ва уларнинг оилалари, иш берувчилар ёки ишга ёллашни ташкил этувчи агентлар ва воситачилардан, шунингдек, илмий ходимлардан маълумотларни олишингиз мумкин.

Улар ўзлари тушиб қолган вазиятдан қанчалик бахтсиз бўлишса ҳам ҳолат тўғрисида очиқ-ойдин гапириб бериш муаммони янада кучайтириши ва уларни хавф остига қўйиши мумкин. Сиз жуда сезгир ва суҳбатдошингизга нисбатан ҳурмат кўрсатишингиз, шу билан бирга айни вақтда сизга маълумот тақдим этишларини рағбатлантиришингиз керак.

Ишга қабул қилиш ҳақидаги ҳикоялар яхши ва ёмон амалиётларни ўз ичига олган бўлиши ҳамда тегишли ходимлар учун, уларнинг касбий ва шахсий ҳаётларига дахл қиладиган турли хил натижаларга олиб келиши мумкин.

Ушбу ҳикояларни ёритаётган журналистлар аниқ, адолатли ва холис бўлган материални тайёрлаш учун кўплаб далилларни йиғишда эҳтиёткорлик билан ва методларга асосланган ҳолда ишлашлари лозим.

Манбаларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олиш керак. Кейинги бўлимда маълум турдаги манбаларга мурожаат қилиш бўйича маслаҳатлар берилган.

А. ОМОН ҚОЛГАНЛАР

Сиз уларга таъсир ўтказмаслигингиз керак, лекин жабрланувчиларга очиқ-ойдин гапириш жамиятни муаммонинг кўлами ва моҳияти ҳақида хабардор қилишини айтишингиз ўринлидир. Бу бошқаларда гапириш учун ишонч пайдо қилиши мумкин. Бу, шунингдек, улар бошқа давлатларга кетганда тўқнаш келиши мумкин бўлган хавф тўғрисида огоҳлантириши мумкин.

Агар одамлар сизга бахтсиз ҳодисалар ҳақида гапиришларини хоҳласангиз, уларнинг ишончини қозонишингиз керак. Жабрланганлар сизнинг хабарларингиз уларни обрўсизлантirmаслиги ёки қайта қурбон бўлишга олиб келмаслигини билишлари лозим. Сиз зўравонлик ва ваҳшийликдан омон қолганлар ҳақида ёзган ҳикояларингиз кейинги ҳикояларни билиш учун суҳбатдошингиз сиз билан яна гаплашишни хоҳлаши ёки хоҳламаслигини белгилайди.

Сиз ҳар доим қурбонларга/омон қолганларга ва уларнинг оила аъзоларига раҳм-шафқат, ғамхўрлик, ҳурмат ва қадр-қимматини эътироф этган ҳолда муносабатда бўлишингиз керак. Бу сиз ҳақиқатни аниқлаш учун ишлаётган скептик журналист бўлишни тўхтатишингиз керак дегани эмас.

Вазиятга қараб, суҳбат жойини танлашни суҳбатдошингиз ихтиёрида қолдириш тавсия этилади. Улар билан гаплашганда ўзларини қулай ҳис қиладиган жойда бўлишларини хоҳлайсиз.

Жабрланувчилар ва омон қолганлар сиздан уларнинг шахсини аниқлашга олиб келадиган ҳар қандай маълумотни чоп этмасликларини сўрашлари мумкин. Ахборотларни ёритишга ихтисослашган ташкилотлар одатда аноним манбалардан фойдаланишни унчалик хоҳламастиклари мумкин, чунки бу берилган гувоҳликнинг таъсирини сусайтириши мумкин.

Айбланувчилар томонидан очиқ-ойдин гапирганларни жазолашга уринишлар ҳам бўлиши мумкин. Журналистлар бунга йўл қўйиб бермасликлари муҳим саналади.

Агар сиз уларнинг шахсини сир сақлашга ваъда берсангиз, уни устидан чиқишингиз керак. Уларнинг шахси ошкор этилишининг олдини олиш чораларини кўринг. Сиз жабрланувчилар тўғрисида ўзингиз билмаган ҳолда шу даражада кўп маълумотлар беришингиз мумкинки, уларнинг яқинлари сиз гапирётган одам кимлигини билишлари мумкин, шу сабабли бундай ҳолатларга эътибор қаратинг.

Айрим жуда нозик ҳолатларда сиз нашр қилаётган материалларда суҳбатдошингизнинг исмини ва шахсини умуман кўрсатмаслигингиз керак. Сиз, шунингдек, уларнинг шахсини ўз қайдларингизда ҳам махфий сақлашингиз лозим, чунки улар бир кун душман қўлларига тушиб қолиш хавфи борлигини доимо ёдда тутинг.

Б. Қўллаб-қувватловчи гуруҳлар, АДВОКАТЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ, ОЛИМЛАР

Ҳикоянинг кучи ва ҳиссий таъсири ушбу вазиятларга бевосита тушган шахсларнинг гувоҳлигидан келиб чиқсада, мазкур масалага кенгроқ ёндашиб, бир ёки бир неча шахсларнинг ҳикояларини бир жойга мужассам этган ҳолда баён этиш ҳикоянинг кучини янада оширади.

Бундай вазифани бажариш учун зарур маълумотларни қуйидаги соҳаларда ишлаётган экспертлардан олинг:

- Жабрланувчилар ва омон қолганларни қўллаб-қувватловчи гуруҳлар
- Уюшмалар
- Касаба уюшмалари
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар
- Ижтимоий ва бошқа оммавий хизматларни кўрсатувчи муассасалар
- Олимлар
- Ушбу масалани экспертлик даражасида биладиган сиёсатчилар
- Юристлар
- ХМТга ўхшаган глобал ташкилотлар.

Улар билан учрашганда сиз гаплашингиз мақсадга мувофиқ бўладиган яна қандай одамларни тавсия қилишлари мумкинлигини сўранг. Ўзингизнинг контактларингиз тармоғини яратинг. Уларни ижтимоий тармоқда кузатиб, чоп этган мақолаларини ўқиб боринг. Ўз ҳикоянгни ўрганаётганда, ҳар бир киши сизга нима деганини батафсил ёзиб боринг. Ҳикояни ёзаётганда агар сиз у ёки бу масалани тушунганингизга ишончингиз комил бўлмаса, орқага қайтиб, керакли одам ёрдамида буни қайта текширингиз мумкин. Шунингдек, сиз ўз фикрларингизни тўғри одамларга ҳавола қилишингиз мумкин. Сиз нотўғри одамга ҳавола қилганда ёки ушбу одамлар гапирмаган фикрни уларга тегишли деб кўрсатганда уларнинг ишончларини йўқотишингиз мумкин.

Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ва адолатли ишга ёллаш масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар:

- 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазибаларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш³⁵.
- Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси³⁶.
- Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама республика комиссияси³⁷.
- Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Давлат меҳнат инспекцияси)³⁸.
- Касаба уюшмалари федерацияси.
- Иш берувчилар конфедерацияси.
- Савдо-саноат палатаси.
- Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари.
- Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси.
- Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар.
- Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Жаҳон Банки, Европа Иттифоқи, GIZ Германия Ривожланиш Агентлиги ва бошқа шунга ўхшаган халқаро ва ривожланиш ташкилотлари.
- Пахта кампанияси, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари жамияти, Инсон ҳуқуқларига оид Ўзбекистон форуми (собик Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон-Германия форуми) ва бошқаларга ўхшаган фуқаролик жамияти ташкилотлари, ННТлар, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва мустақил кузатувчилар.

В. СУИСТЕЪМОЛЧИЛИҚДА АЙБЛАНГАН ШАХСЛАР

Жиноят ва бошқа ижтимоий хавfli қилмишларни содир этишда айбланган шахслар билан мулоқот қилиш суриштирувингиз охирида, яъни барча далилларни тўплагандан ва уларга қарши ишни мустақкам қилганингиздан сўнг, амалга ошиши керак.

Агар сиз улар билан жуда эрта боғлансангиз, кейинчалик уларда гувоҳларга босим ўтказиш ва далилларни йўқ қилиш имкони бўлиши мумкин, бир сўз билан айтганда, улар сиз томонингиздан олиб борилаётган суриштирувни барбод қилишлари мумкин.

Шундай бўлсада, сиз адолатни таъминлаш мақсадида уларга содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қўйилган ҳар қандай айбловларга бемалол жавоб бериш имконини яратишингиз керак. Ахборотни берувчи кўплаб ташкилотлар айбланган шахсга ўйлаб жавоб бериш учун бир ёки икки кун етарли деб ҳисоблашади, бироқ, у қонунийми ёки ноқонунийми, ўзлари учун нашрни тўхтатиш юзасидан ҳаракатларни амалга ошириш учун етарли эмас деб ўйлашади.

35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.10.2018 йилдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазибаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон қарори (<https://www.lex.uz/docs/4013358>).

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.07.2019 йилдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон фармони (<https://www.lex.uz/docs/4616390>).

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.07.2019 йилдаги “Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар тўғрисида”ги 553-сон қарори (<https://www.lex.uz/docs/4398823>).

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.08.2018 йилдаги “Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3913-сон қарори (<https://www.lex.uz/docs/4213624>).

Агар айбланган шахслар сиз билан учрашишга розилик билдирсалар, қуйидаги хавфсизлик чораларини кўринг:

- Ўзингиз билан ҳамкасбингизни олинг.
- Муҳаррирингизга қаерга кетаётганингиз тўғрисида хабар беринг.
- Бирор кишидан сизни текшириб туришни сўранг.
- Қайдларни батафсил киритинг ёки махсус қурилмада ёзиб олинг.
- Муҳокамани профессионал ва хушмуомалалик билан олиб боринг.
- Ҳазиланиш ёки аччиқланишдан ўзингизни тутинг.

Агар улар учрашишдан бош тортса, сиз телефон ёки электрон почта орқали саволларингизга жавоб беришни сўрашингиз мумкин.

Улар учун учинчи вариант бу ёзма (ёки аудио, видеоёзув) шаклда ўзларига қўйилган айбловларга сиз фойдаланишингиз мумкин бўлган жавобни тайёрлаш ҳисобланади.

Сиз жавобни қидириб топишда қатъиятли бўлишингиз керак, бунда аниқлик ва одилликни таъминлаш мақсадида ҳолат тўғрисида уларнинг фикрларини эшитмоқчи эканлигингизни такрор ва такрор билдиринг.

Агар сиз бир неча марта қилган мурожаатларингизга қарамасдан улардан жавоб ололмасангиз, умумфойдаланувдаги манбалар ёрдамида уларнинг позицияларини имкон қадар яхши тасвирлаб беришга ҳаракат қилишингиз керак. Кейинчалик ўз ҳисоботингизда бу ҳақда ёзишингиз керак бўлади.

Доимо хушмуомала бўлинг. Журналист сифатида сизнинг вазифангиз айбни тасдиқлаш эмас, балки фактларни улар ҳақиқатда қандай бўлса, шундайлигича аниқлаш ҳисобланади ва бу жамоатчилик томонидан уларга асосланиб тегишли хулосаларга келишга ёрдам беради.

4-МОДУЛЬ

ҲИКОЯНИ АЙТИБ БЕРИШ



4.1-БОБ. ҚАЙСИ МЕТОД ОРҚАЛИ?

Журналистлар ўз ҳикояларини эълон қилишлари мумкин бўлган бир қатор платформаларга эга. Кўп сонли одамларни жалб қилиш ва кенг таъсирга эга бўлиш учун сиздаги материалдан фойдаланишнинг энг яхши йўллари ҳақида ишни бошлашнинг эрта босқичида ўйлаб кўриш зарур.

Сиз фақат биттасини танламанг. Сиз ўз материалингизни турли шаклларда газета, интернет, телевидение ва бошқа шунга ўхшаган воситаларда чоп этишингиз мумкин.

А. ИНТЕРНЕТ

Янгиликларни ёритувчи деярли барча агентликлар ўзларининг веб-саҳифаларига эга, айримлари эса фақатгина веб-саҳифа доирасида фаолият юритадилар. Ушбу веб-саҳифаларда видео- ва аудио-материаллар сўзлар ва расмлар каби осонгина жойлаштирилиши мумкин. Ҳикояни яратиш жараёнида расмга олиш, аудио- ва видеотасвирга тушириш чораларини кўринг, уларни мақолани ичида ёки у билан ёнма-ён жойлаштиришингиз мумкин.

“Узоқ ўқиш” – бу веб-мақоланинг янгича шакли бўлиб, ўзида мақола матни билан бир қаторда расм, инфографика, харита ва ҳаттоки аудио ва видео клиплар каби график элементларни мужассам этади. Бу комбинация форматни жуда жозибали қилади. Бу асосан иш хусусиятлари ва суриштирувларга жуда мос келади.

Б. ИЖТИМОЙ ТАРМОҚ

Янгиликларни ёритувчи кўпгина ташкилотлар Фейсбук, Твиттер ва Инстаграмга ўхшаган ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланадилар. Кўпинча ижтимоий тармоқларга ўзларининг асосий маҳсулоти доирасида аудиторияни жалб қилиш ва уларга хизмат қилиш воситаси сифатида қарашади, лекин булар ўз навбатида ҳикояларни айтиб бериш учун ҳам ишлатилиши мумкин.

Айрим мухбирлар Твиттерда мураккаб ҳикояларни кетма-кет твитларда – икки ёки учта жумладан кўп бўлмаган қисқа хабарлар кўринишида, кўпинча расм ёки ҳатто қисқа видео парчаси билан бирга айтиб беришда жуда устамон бўлишган.

Инстаграм, айниқса, расм ва қисқа видеони алмашиш учун жуда яхши восита ҳисобланади. У гувоҳлик берган одамларнинг бир неча суратларини албатта уларнинг розилиги асосида нашр этишга имкон беради.

Ижтимоий тармоқларнинг тезкорлиги жуда кучлидир, айниқса сизнинг ҳикоянгиздан ўрин олган шахс ёки ташкилот томонидан аниқ реакция берилишини хоҳлаётган бўлсангиз. Яқиндаги мисоллар шуни кўрсатдики, одам савдосидаги эксплуататив шароитлар ва бу муҳитда ишлаётган одамлар тўғрисидаги ахборотнинг Твиттерда ёритилишига ҳокимият вакиллари томонидан зудлик билан муносабат билдирилди.

Шундай бўлсада, ижтимоий тармоқлар шундай маконки, унда мажбурий меҳнат ёки адолатли ишга ёллашга олиб келадиган ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қиладиган ва риоя қилмайдиган ишга ёлловчилар ҳам ҳаракат қилишини доимо ёдда сақлашимиз керак. Ижтимоий маконда иш қидираётган одамлар сони ошиб бораётганлиги бундай тармоқларда берилаётган хабарларнинг сифати юқори даражада бўлиши кераклигини яна бир бор тасдиқлайди.

В. РАДИО ДАСТУРЛАР

Радио дастурлари одатдаги жадвалнинг бир қисми сифатида ёки хоҳлаган пайт юклаб олинадиган ва ижро этиладиган подкаст сифатида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Смартфонлар овоз манбаига яқин тутилганда ёки уланадиган микрофон билан ишлатилганда яхши ёзиб олиш мосламаси вазифасини ўтайди.

Таҳрирлашни смартфон ёки компьютерда амалга ошириш мумкин.

Г. ВИДЕО

Смартфонда ҳатто оддий ресурсларга эга бўлганлар ҳам мураккаб бўлмаган видеоларни ишлаб чиқариш техникасига эга бўлишлари мумкин, бунда улар ўзларининг видеоларини тайёрлаш жараёнида смартфон орқали видеотасвирга тушириш ёки ҳаттоки таҳрир қилиши ҳам мумкин бўлиб, ушбу материаллар онлайн улашилиши, телевидение ва кинода, кинотеатр ва катта залларда одамларга намойиш этилиши мумкин.

Д. АНИМАЦИЯ

Ҳикояларни уларга жалб қилинган одамларнинг шахсини сир сақлаган ҳолда сўзлаб беришда анимация жуда яхши роль ўйнайди.

Е. ДАСТУРЛАР

Янгиликларни етказувчи ташкилотлар томонидан таклиф этилган хабарлар мазмуни билан танишиш имконини берадиган иловаларни кўпчилик билади. Ҳикояларни янги усулда айтиб бериш учун иловалардан фойдаланиш бўйича ҳам биринчи тажрибалар бўлган. BBC бошқа мамлакатда иш ва ўз келажагини қидириш мақсадида ўз ҳаётини хавф остига қўйган муҳожирнинг тажрибасини намойиш этиш учун ажойиб видео яратган.

Ж. ҲИКОЯНИ РАСМЛАР ОРҚАЛИ ИФОДАЛАШ

Олдинги бобда айтиб ўтилганидек, журналистлар меҳнат масалалари ҳақида хабар беришда ўз мавзуларини қандай тасвирлашни диққат билан ўйлаб кўришлари керак. Манбаларнинг анонимлигини таъминлаш ва меҳнатда суистеъмолчиликларга дуч келган қурбонларни ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш керак.

4.2-БОБ. ТУРКУМ МАТЕРИАЛЛАР ТАЙЁРЛАШ

Агар сиз адолатли ишга ёллаш ёки мажбурий меҳнатга ўхшаш мураккаб мавзулар устида ишлаётган бўлсангиз, сизда битта янгилик учун кўплик қиладиган материаллар бўлиши эҳтимоли юқори бўлади. Бундай ҳолларда сиз битта мавзуга алоқадор бир нечта, яъни туркум хабарларни эълон қилиш ва уларни интернетда жойлаб боришни ўйлаб кўришингиз мумкин.

Шунингдек, сиз кейинги қадамни қўйиб, хабарлар сериясини кампанияга айлантиришни ҳам кўриб чиқишингиз мумкин. Бундай вақтда, ташкилот фақатгина янгиликларни нейтрал равишда беришдек одатий фаолиятдан бир оз четга чиқиб, ҳақиқатан кимнингдир томонида туриб, сиёсатни ўзгартиришни қўллаб-қувватлайди. Холис ва объектив бўлишни мақсад қилган оммавий ахборот воситалари, одатда, бундай ҳаракатларни, қачонки улар жинсий фаолият билан қуршаётган ҳамда эркинлик, соғлиқ ва эркин меҳнат қилишга оид ҳуқуқларни қўллаб-қувватлаётган вақтда амалга оширадилар.

Маълум бир кампанияга оид ҳикоялар фақат битта одамга қаратилиши ва вақт ўтган сайин очиқланиши ёки бир хил муаммоларга дуч келаётган турли одамлар ҳақида сўзлаб бериши мумкин. Шу билан бирга, битта масалани ҳар хил нуқтаи назардан кўриб чиқиш мумкин: одам савдоси қурбони бўлган ёки ҳуқуқлари поймол этилган ишчи, иш берувчи, агент, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ва бошқалар.

Ҳикоялар кетма-кет бир неча кун ёки вақти-вақти билан бериб борилиши мумкин. Кейинги ҳикоялар ҳақида белгини кўрсатиш томошабинлар ёки ўқувчиларни жалб қилишга ёрдам беради, масалан:

- “Эртанги серияда биз Абдулни хавфли сафарга юборган брокер билан танишамиз.”
- “Биз Мари ҳақида кўпроқ эшитамиз ва унинг эркин аёл сифатида қандай ҳаёт кечираётганлигини билиб оламиз.”

МУВАФФАҚИЯТЛИ КАМПАНИЯГА ОЛТИ ҚАДАМ

1-ҚАДАМ: ЎЗ МАҚСАДИНГИЗНИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНГ

Кампаниялар каттароқ масштабда бошланиши ёки кичикроқдан бошланиб, ўсиб бориши мумкин. Улар ҳар доим олдиндан яхши режалаштиришдан фойда кўришади. Бироқ, сизнинг мақсадингиз бошидан оқ аниқ бўлиши керак. Сиз қонунни ўзгартиришга чақиряпсизми? Ёки бошқа ҳаракатларними? Масалан:

- “Рухсат бериш тизими тугагунига қадар биз кампанияни давом эттирамиз.”
- “Одам савдоси қурбонига айланган барча аёллар озодликка чиқарилиши ва давлат томонидан уларга ғамхўрлик кўрсатилиши шарт.”

2-ҚАДАМ: ЎЗ КАМПАНИЯНГИЗНИ БОШҚАРИНГ

Битта одам кампанияни динамикани сақлаб қолиш ва йўлдан чалғимаслик мақсадида кундалик бошқариши керак. Одатда бу ҳикояларнинг кўпини ёзадиган мухбир бўлади.

Кампанияга муҳаррир ўринбосари, янгиликларни тўплаш хизмати бошлиғи ёки бошқа шунга ўхшаган таҳририят гуруҳида раҳбар бўлган шахс ҳимоячи сифатида иштирок этиши керак.

Раҳбар ресурсларнинг, шу жумладан вақтнинг ажратилишини таъминлайди. Кампанияларга катта ресурс керак ва ёш ходимлар бу борада ўз ҳиссаларини қўшишни унчалик хоҳламасликлари мумкин. Раҳбар, шунингдек, суриштирув билан боғлиқ ҳар қандай ташқи таъсирлардан ёзувчилар гуруҳини ҳимоя қилади.

3-ҚАДАМ: БОШЛАНИШИДА КУЧЛИ ТАЪСИР КЎРСАТИШГА ИНТИЛИНГ

Кампанияни таъсирчан бошлашга ҳаракат қилинг, шундай кунни танлангки, сизнинг кампаниянгиз режалаштирилган бошқа янгилик хабари билан рақобатлашининг олдини олинг.

Кампания биринчи ҳикоясининг газета бош саҳифасида эълон қилинишига ёки телевидение ёхуд радио янгиликларида биринчи бўлиб эфирга узатилишига эришинг. Уни аянчли ҳикоялар, бошқа маълумотга эга материаллар, суратлар ва инфографикалар билан қўллаб-қувватланг.

4-ҚАДАМ: ЎҚУВЧИЛАРНИНГ УНГА ҚЎШИЛИШНИ ОСОНЛАШТИРИНГ

Одамлар ижтимоий тармоқларда баҳсли масалалар юзасидан ўз фикрларини тобора кўпроқ билдиришга одатланишмоқда. Бундан унумли фойдаланинг ва уларни жалб қилинг. Веб-сайтнингиздаги шарҳларни очинг ҳамда энг қизиқарли ва сизни қўллаб-қувватловчиларини чоп этинг. Шуни ёдда тутингки, шарҳлар неготив, ирқий, жинсий ва бошқа характерга ҳам эга бўлиши мумкин. Шу сабабли, интернетда шарҳ ёзиш учун аниқ ва қатъий одоб-ахлоқ қоидаларини белгилаш муҳимдир.

Кенг жамоатчилик учун сизга ўзларининг шарҳларини ва ҳаттоки ҳикоялар ёки ҳикоялар учун ғояларни юбориш мақсадида махсус электрон почта очинг.

Қонунни ўзгартириш каби муайян ҳаракатни амалга оширишга оид талабни қўллаб-қувватлаш мақсадида фуқаролар рўйхатдан ўтишлари мумкин бўлган э-петиция платформаси мавжуд. Агар сизда шунга асос бўладиган ҳолат бўлса петицияни ташкил этишингиз мумкин ёки шунга хайрихоҳ сиёсатчидан бунга амалга оширишни сўранг. Сўнг петицияни имзолаш бўйича ўқувчиларни рағбатлантиринг. Сиз имзо чекаётганлар сонини, унинг ошиб бориши баробарида уларни чоп этиб боринг, чунки бу сизнинг кампаниянгиз қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради.

5-ҚАДАМ: ЎҚУВЧИЛАРИНГИЗ ҚИЛА ОЛМАЙДИГАН НАРСАНИ БАЖАРИНГ

Янгиликларни ёритувчи ташкилотингизнинг ваколлати ва фаолият чегараларини доимо билинг. Бу ўқувчиларингизнинг овозини кучайтириши, ноқулай саволларни бериши ва юқори ҳокимият вакилларида жавобларни талаб қилиши мумкин.

Ҳаракатингиз давоми сифатида материалингиз қабул қилинганлиги, ўқиб чиқилганлиги ва юборилган ҳужжатлар тўплами юзасидан шарҳлар бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида қўнғироқлар қилинг. Ушбу босимни ушлаб туринг. Агар уларда айтадиган бирор гап-сўзлари бўлмаса, бундай ҳаракатни бир ҳафтадан кейин ва яна ундан кейинги ҳафта давом эттиринг. Жавоб олиш учун қилган ҳаракатларингизни ёзиб олинг ва уни чоп этинг.

6-ҚАДАМ: ДАВОМ ЭТИНГ, БЎШАШМАНГ

Газеталар оламида эски бир мақол бор, унга кўра сиз кампаниядан чарчаётган пайтингизда ўқувчилар бунга эндигина пайқашни бошлайдилар. Агар сиз жуда қисқа ва ўткир кампанияни танламаган бўлсангиз, бунда сиз жуда узоқ давом этадиган йўлда турибсиз. Кампанияларни жонли, фаол ва қизиқарли ушлаб туриш унга бевосита масъул бўлган маълум бир одамларнинг иши эмас, балки бутун таҳририятнинг вазифасидир.

4.3-БОБ. ТАЙЁРМИСИЗ?

А. ЖАРАЁННИ ТАҲРИРЛАШ

Бошқа ҳар қандай ҳисобот сингари, ишга адолатли ёллаш ва мажбурий меҳнат тўғрисида ҳисобот тузиш учун таҳрирлашга оид яхши услубий кўрсатмалар ва амалиётлардан фойдаланиш талаб этилади. Таҳрирлаш бўйича катта ҳажмдаги манбалар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти контекстли ҳисобланади. Шу сабабли, мазкур Йўриқнома, уларнинг барчасини биз муҳокама қилаётган масаланинг қамровига кирмаслиги сабабли, яхши амалиёт сифатида ёрита олмайди.

В. ТАЙЁРМИСИЗ?

Ҳикоя ёки ҳикоялар туркумини чоп этишдан олдин сизда барча маълумотлар борлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида ҳикояда иштирок этаётганларни бир жойга тўпланг. Сиз қуйидаги саволларга аниқ жавобга эга бўлишингиз керак:

- Сиз нима демоқчисиз ёки нимага даъво қиляпсиз?
- Сизда бунга айтиш учун етарли маълумот ва далил мавжудми?
- Сизнинг айбловларингиз қандай таъсирга эга?
- Сиз манбаларингизга ва ҳужжатларингиз таҳлилига тўлиқ ишонч ҳосил қилганмисиз?
- Сиз барча маълумотларингизни текшириш ва ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиш учун қўшимча саъй-ҳаракатларни бажардингизми?
- Танқид остида бўлган ҳар бир кишига жавоб бериш имконияти берилганми?
- Ҳикоя қандай тузилишга эга? Боши, ўртаси ва охирига ишлов беринг.
- Ҳикояни бошқариладиган ва мазмунга эга бўлган бир неча қисмларга бўла оласизми?
- Хабарларни қандай тасвирлайсиз? Сиз ҳикояни расмлар, жадваллар ва графикалар ёрдамида тушунтира оласизми?
- Ҳуқуқшунос ёки тажрибали муҳаррир ҳикояни (шу жумладан сарлавҳасини) тўлиқ текшириб чиқдими?

Агар сиз ушбу саволларга тўлиқ жавоб бера олмасангиз, унда ҳикоянгни чоп этишга тайёр эмассиз.

5-МОДУЛЬ

КЕЙИНГИ БОСҚИЧЛАР



5.1-БОБ. ТАЪСИР, МУКОФОТЛАР ВА ИХТИСОСЛАШУВ

А. ТАЪСИР

Яхши журналистика одамларнинг ҳаётини ўзгартиради.

Сиз хабар бераётган амалиётлар яқунланмаслиги мумкин, бироқ чоп этаётган ҳисоботларингиз:

- Бирор киши ёки кишиларни мажбурий меҳнатдан озод қилиши;
- Иш берувчини ўз амалиётларини ўзгартиришга ва/ёки уларнинг бизнес шерикларини шундай қилишга ундаши;
- Ҳуқуқлари бузилган ишчиларда ишонч ҳосил қилдириши ва бошқаларга ёрдам бериш мақсадида қўллаб-қувватловчи гуруҳни тузиш учун зарур контактларни бериши;
- Ҳокимият вакиллар томонидан қонунларни кучайтириши ва мавжудларининг ижроси устидан назоратни таъминлаши;
- Сиёсатни ишлаб чиқарувчиларни мажбурий меҳнат ва адолатсиз ишга ёллаш амалиётини ҳамда унинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этишга ундаши;
- Ишчиларнинг алоҳида тоифалари орасида хабардорликни ошириши ва жамоатчиликда мавжуд бўлиши МУМКИН БУЛГАН НОТЎҒРИ ТАСАВВУРНИ ЎЗГАРТИРИШИ МУМКИН.

Ишчилар учун керакли бўлган натижалар ҳақида ўйлаш муҳим саналади. Мажбурий меҳнат ҳолати тўғрисида материал тайёрлашдан кўзланган асосий мақсад ишчиларни озод қилиш ҳисобланади. Бошқа ҳолларда, масалан, муносиб иш шароитларига эга бўлган ишларнинг етишмаслиги тўғрисида хабар беришдан кўзланган мақсадни сезиш ва уни кузатиш қийин бўлиши мумкин, чунки бундай ўзгаришлар натижасида жуда кўпчиликнинг иш шароитлари яхшиланиши мумкин.

Б. МУКОФОТЛАР

Материалларнинг деярли барча турлари учун мукофот, совға ва стипендиялар мавжуд. Меҳнат миграцияси муаммолари ва, айниқса, мажбурий меҳнат масалалари оммавий ахборот воситаларининг мукофотлари билан, хусусан улар бўйича интенсив суриштирув ҳаракатлари ўтказилган бўлса, мунтазам равишда тақдирланади. Сўнгги йилларда турли мамлакатларнинг энг нуфузли нашрлари томонидан айнан шундай мавзудаги ҳикоялар мукофотланган бўлиб, улар қуйидагилар:

- Пулитцер мукофоти (АҚШ): Қулдан келган денгиз маҳсулотлари (2016 йил)³⁹
- Миллий журнал мукофоти (Канада): Қафас (2016 йил)
- Алберт Лондрес (Франция): Барбери саёҳати (2015 йил)⁴⁰

Бу ўзгаришлар ҳикоянинг илк таъсирини оширишга ёрдам беради, чунки у мазкур муаммога бошқа профессионал оммавий ахборот воситалари ва баъзан кенг жамоатчилик эътиборини ҳам жалб қилади.

Бошқа бир қанча мукофот схемалари ҳам меҳнат ва миграция масалаларига эътибор қаратади, масалан:

- Меҳнат миграцияси ва адолатли ишга ёллаш бўйича глобал медиа танлов⁴¹
- Миграция бўйича медиа мукофот⁴²
- Қулликка қарши кун мукофоти⁴³
- Халқаро Меҳнат Алоқалари Ассоциацияси Медиа Мукофоти⁴⁴
- ОАВдаги аёллар халқаро жамғармаси мукофоти⁴⁵

В. ИХТИСОСЛАШУВ

Мутахассис маҳоратига ега мухбирлар баъзан “ритм яратувчи” мухбирлар деб аталади, чунки улар махсус ритмни ёритади. Ахборот агентлиги аниқ масалаларга ихтисослашган журналистлардан фойда кўради. Мажбурий меҳнат ва кадрларни адолатли танлаш мавзусида мутахассис бўлиб, сиз қуйидагиларга қодир бўласиз:

- Ахборот агентлига, ҳатто улар бу мавзуда ҳисобот беришга қодир бўлмаганда ҳам, махсус ҳикоя ғояларини таклиф қилишга;
- Мураккаб ҳикояларни тушуниш ва тушунтиришга;
- Суҳбатлашадиган ёки маълумот берадиган кўплаб мутахассисларни билишга;
- Ҳамкасбларингизга тегишли воқеаларни ёритишга ёрдам беришга;
- Янгиликлар ҳикояси билан бирга ишлайдиган “фон” қисмларини тайёрлаш ва контекстни тушунтиришга;
- Олдиндан режалаштириш, келгуси янгиликлар воқеаларини қидириш ва Ахборот агентлиги уларни ёритишга тўғри тайёрланганлигини текширишга.

39. Associated Press, 2016. Ассошиэйтд пресс суриштируви XXI асрда қулликдан озод қилишда ёрдам беради.

40. Барбери саёҳати, 2018. Аккуэль.

41. ХМТ, 2020. ХМТ Меҳнат миграцияси ва адолатли ишга ёллаш бўйича глобал медиа бўйича олтинчи танловни эълон қилади.

42. Миграция бўйича медиа мукофот.

43. Одам савдосига қарши жамғарма, 2018. Қулликка қарши кун мукофоти.

44. Халқаро Меҳнат Алоқалари Ассоциацияси.

45. ОАВлардаги аёллар халқаро жамғармаси: Бизнинг мукофотлар.

Агар сиз ихтисослашган бўлсангиз, сизнинг ишингиз янада қизиқарли ва фойдали бўлади:

- Мавзу соҳасини яхши билиб оласиз;
- Бу бошқача иш услуги, бу кўп йиллик умумий янгиликларни ёритгандан кейин тетиклантирувчи янги вазифа бўлиши мумкин;
- Сиз омма олдида ҳам, иш жойингизда ҳам юқори обрўга эга бўласиз;
- Қайси ҳикояларни ва қандай ёритишни ҳал қилишда сиз кўпроқ эркинликка эга бўласиз;
- Сиз аҳамиятсиз ва башорат қилинадиган ҳикоялар ҳақида хабар беришдан қочишингиз мумкин;
- Сиз ўз истеъдодингизни яхшироқ намойиш қила оласиз, бу сизга катта таҳририят ролларини бажариш имкониятини беради.

5.2-БОБ. ЯКУНИЙ МАСЛАҲАТЛАР

А. ЎҚИНГ

Тегишли саҳифа ёки эфирда жойлаштирадиган ахборотингиздан кўра кўпроқ маълумотни билишингиз зарур.

Мавзуга алоқадор барча нарсани имкон борича ўқинг. Ихтисослаштирилган журналлар билан танишиб боринг. Тегишли блогларни кузатинг. Давлат идоралари ва ННТлар одатда ўзларининг фаолиятлари ҳақида ахборот бюллетенларини чоп этадилар. Сиз ишга ёллаш механизми қандай ишлаши, меҳнат миграцияси нима эканлиги ҳамда миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қандай кучга киришини тушунишингиз керак бўлади.

Сиз қизиққан мавзу бўйича семинарлар ташкил этилса, имкониятдан фойдаланиб, уларда иштирок этинг, чунки мазкур семинарларда сиз танлаган мавзу бўйича расмий маълумотлар бериб борилади. Ҳар бир имконият билимни мустаҳкамлашга ва алоқалар тармоғини ривожлантиришга ёрдам беради.

Б. МАВЗУ ИЧИДА АДАШИБ ҚОЛМАНГ

Сизнинг вазифангиз мутахассис бўлмаган оддий одамлардан иборат аудиторияга эксперт даражасида масалани тушунтириш ҳисобланади. Сиз буни аниқ ва равшан баён этишингиз керак. Бу қуйидагиларни англатади:

- Жаргон сўзларни кундалик ишлатадиган сўзларга айлантириш;
- Кераксиз тафсилотларни кесиб ташлаш;
- Тушунарсиз бўлган нарсаларни аниқроқ тушунтириш;
- Ҳикояларингизни ўқувчиларга, тингловчиларга ёки томошабинларга мослаштириш.

В. ЁЛҒИЗ ҚОЛМАНГ

Айнан шундай мавзуларни ёритаётган одамлар билан боғланинг. Улар сизга маълумот тақдим этишлари, кимлар билан боғланиш мумкинлиги, ҳикоялар бўйича ғоялар ва маслаҳатлар беришлари мумкин. Мазкур мавзуларни ёритувчи маҳаллий гуруҳларга қўшилиш ёки ўз гуруҳингизни шакллантиришни ёхуд вақти-вақти билан норасмий учрашувларни ташкил этишни кўриб чиқинг.

МАНБАЛАР

ХМТнинг адолатли ишга қабул қилиш мавзусидаги саҳифаси www.ilo.org/fairrecruitment

ХМТнинг мажбурий меҳнат мавзусидаги саҳифаси www.ilo.org/forcedlabour

Thomson Reuters (Томсон Рэутерс) жамғармаси, Одам савдоси ва замонавий қуллик ҳақида ҳисобот <https://www.trust.org/media-development/programmes/?sfid=a15D0000018xNIaIAM&areaOfFocus=Human%20Trafficking%20and%20Modern%20Day%20Slavery>

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ВА КАДРЛАРНИ АДОЛАТЛИ ТАНЛАШ МАВЗУСИДА МАТЕРИАЛ ТАЙЁРЛАШ

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ЙЎРИҚНОМАСИ

Йўриқнома ХМТнинг Муносиб меҳнатни техник қўллаб-қувватлаш гуруҳи ва Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича бюроси томонидан Ўзбекистондаги Bridge лойиҳаси доирасида ишлаб чиқарилган.

ХМТнинг Муносиб меҳнатни
техник қўллаб-қувватлаш гуруҳи
ва Шарқий Европа ва
Марказий Осиё бўйича бюроси
Офис 23, Петровка 15,
Москва 107 031
Россия Федерацияси
Тел.: +7 495 933 08 10
Факс: +7 495 933 08 20
E-mail : moscow@ilo.org